

ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОНЛАР



2

ОНА ВАТАНГА САДОҚАТ ТИМСОЛИ



9

ВСТРЕЧА С МОЛОДЕЖЬЮ



14

ТИЛ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ



17



О'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi nashri

# Postda На посту

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

2020-yil  
12-mart  
payshanba

№ 11 (4449/4367)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan

Web-site: [www.postda.uz](http://www.postda.uz)

E-mail: [info@postda.uz](mailto:info@postda.uz)

БАЙРАМ ТУХФАСИ

## ДИЛЛАРДА БАҲОРИЙ КАЙФИЯТ


Жаннатмонанд юртимизда байрамлар муносабати билан янги бино-иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши яхши анъанага айланган. Жумладан, Тошкент шаҳар ИИБДа ҳам ана шундай қувончли воқеанинг шоҳиди бўлдик. Бу ерда кишининг кўзини қувонтирадиган уч қаватли муҳташам бино қад ростлади. Унинг биринчи қаватида барча қулайликларга эга бўлган назорат-ўтиш жойи, фуқароларни қабул қилишга мўлжалланган кенг ва ёруғ хоналар ҳамда котибият ва юридик таъминлаш бўлимлари жойлашган. Иккинчи қаватдаги 2300 дан ортиқ турли номдаги китоблар жамланган кутубхона эса Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг электрон базасига уланган.



### ҲАФТА ҚАҲРАМОНЛАРИ

Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ ППХ бригадаси 2-батальон 4-отряд ходимлари, сафдорлар Нуржан Бекбосунов ва Раҳматилла Назаров ўзларига бириктирилган ҳудудда хизмат олиб бораётганда бир фуқаро келиб, 100 миллион сўм пулини йўқотиб қўйганини айтиб, топишда ёрдам беришини сўради. Бу воқеа жорий йилнинг 3 март куни тахминан соат 24.00 лар атрофида бўлаётганди. Вақт алламаҳал бўлганда пулни йўқотиб, мушкул аҳволга тушиб қолган фуқарога ёрдам беришни ўзларининг бурчи деб билган осойишталик посбонлари зарур чораларни кўришди.

Улар ўша ҳудудга ўрнатилган видеокамера ёзувини кўздан кечирганларида пулларни олган номаълум кишини кўришди. У тайинли яшаш жойига эга бўлмаган Оғли Ян исми шахс эканлиги аниқланди. Ходимларнинг тезкорлиги натижасида ушбу шахс ушланиб, Миробод тумани ИИОФМБга олиб борилди. Холислар иштирокида текширилганда, унинг ёнидан Миробод туманида яшовчи фуқаро Улуғбек Каримовга тегишли 100 миллион сўм чикди. Пул эгасига топширилди.



## КЕЙИНГИ СОНДА

Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси томонидан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши ҳамда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда «Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш – мамлакат тараққиётининг муҳим омили» мавзусида республика биринчи форуми бўлиб ўтди. Унда бугунги кунда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишига эришиш, улар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалари муҳокама қилинди.

Тадбир тафсилотлари билан газетамизнинг навбатдаги сонида танишасиз.



## ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОНЛАР

Жиззах шаҳридаги Ёшлар инновацион марказида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги каби бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда «Китоб дунёси», «Китоб маркази» тармоқ савдо марказлари ҳамкорлигида ташкил қилинган «Энг яхши китобхон мактаб» лойиҳасининг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Зиёлилар иштирокидаги тадбирда Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Рустам Хатамов, Жиззах вилояти ҳоқими Эргаш Салиев ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимиз Президентининг «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрафлича тўхталиб ўтишди.

Жиззах вилоятида 2020 йилнинг 20 январидан бошланган «Энг яхши китобхон мактаб» лойиҳаси 5 мартга қадар давом этди. Бу жараёнда вилоятдаги 548 та ўрта умумтаълим мактабида китоб ярмаркалари ташкил этилиб, ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ҳамда ўқитувчиларга миллий ва жаҳон адабиёти намуналари арзон нархларда



етказиб берилди. Шунингдек, иқтидорли ўқувчилар китоб жамланмалари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Имконияти чекланган болаларга ҳам бадиий адабиётлар ажратилди.

Тантанали тадбирда мактаб кутубхоначилари, директорлари, халқ таълими бўлими услубчиларига китоблар, китоб савдосини ташкил этишда фаол қатнашганларга эса олий

ўқув юртлири контракт тўловларини қоплаш ҳамда иш билан таъминланиш имконини берувчи сертификатлар, китобхон ёшларга ваучерлар топширилди.

Лойиҳа доирасида энг кўп китоб хариди уюштирилган ҳудуд Арнасой тумани бўлди. Мазкур натижа учун туман Халқ таълими бўлими мудир Мирмуҳсин Низомов «Нексия» автоулови билан тақдирланди. Кейинги ўринларни эгаллаган Янги-

обод ва Дўстлик туманлари халқ таълими бўлимлари вакилларига компьютер жамланмалари берилди. Совғаларни вазири ўринбосари Рустам Хатамов, вилоят ҳоқими Эргаш Салиев топширди.

Тадбирдан таниқли санъаткорларнинг чиқишлари ҳам ўрин олди.

**Алиқон АБДУСАТТОРОВ,**  
«Postda» мухбири.  
Жиззах вилояти.

## САМАРАЛИ МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ



Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Президентимизнинг тегишли фармони асосида мамлакатимизда азиз ва мўътабар аёл зотига эҳтиром кўрсатиш, опа-сингилларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, юртимизнинг иқтисодий қудрати ва жаҳон миқёсидаги маъқени юксалтириш борасидаги улкан хизматларини муносиб қадрлаш мақсадида ҳамда оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, фарзандларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган катта ҳиссаси, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги самарали меҳнати билан ташаббус ҳамда ибрат кўрсатиб келаётгани учун бир гуруҳ хотин-қизлар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди. Улар орасида «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланган **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – хотин-қизлар масалалари бўйича бўлим бошлиғи Умида Абдуллаева** ҳам бор.

Шунингдек, байрам арафасида халқ эътирофига сазовор бўлган, меҳнат фаолиятида кўплаб ютуқларга эришган, оиласи билан намуна бўлаётган 287 нафар аёл «Мўътабар аёл» кўкрак нишонига муносиб кўрилди.

Жумладан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Элмира Боситхонова **ИИБ Ўз хавфсизлиги бошқармаси канцелярия бошлиғи, кичик сержант Роза Саидовага**, Қашқадарё вилояти ҳоқими Зоир Мирзаев **Шахрисабз тумани ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими катта терговчиси, полковник Жамила Султоновага** мазкур кўкрак нишонини топширди.

Уларни ушбу юксак мукофот билан муборакбод этамиз.

## УНВОН МУБОРАҚ, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

Мамлакатимиз тинчлик-осойишталигини сақлаш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан қуйидаги ходимларга навбатдаги «полковник» махсус унвони берилди:

**Ҳалимбаева Марҳабо Азимжоновна** – ИИБ Тиббиёт бошқармаси Марказий госпитали бошлиғининг биринчи ўринбосари-шифокор  
**Ланкевич Евгения Викторовна** – ИИБ Жазони ижро этиш бош бошқармаси Ташкилий бошқармаси ташкилий назорат бўлими бошлиғи  
**Селиманова Светлана Михайловна** – ИИБ Академияси маъмурий

ҳуқуқ кафедраси бошлиғи  
**Муинова Нилуфар Абдукаримовна** – Тошкент шаҳар ИИББ Ташкилий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – Юридик таъминлаш бўлими бошлиғи

**Яроқкина Светлана Фатимовна** – Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бўйича ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш

бошқармаси 8-сонли ИИБ тергов бўлими катта терговчиси.

**Ҳамкасбларимизни ушбу юксак унвон билан табриклар, уларнинг юрт осойишталигини асраш йўлидаги келгуси хизмат фаолиятида муваффақият тилаймиз.**

## ЭЪТИБОРДАН ДИЛЛАР ШОДЛАНДИ

Аёл – муштипар онамиз, мунис онамиз, синглимиз. У мудом энг юксак эътиборга, эътирофга муносибдир.

Сурхондарё вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ажойиб ташаббус билан чиқди. Аввало, Термиз шаҳридаги вилоят Онкология марказида даволанаётган бемор аёллар ҳолидан хабар олинди. Уларга вилоят ИИБ ЙҲХБ шахсий таркиби номидан байрам совға-



лари топширилди.

Бундан бемор аёлларнинг қалби қувончга тўлди.

Кейинги манзил Термиз шаҳрида жойлашган «Сурхон ипаги» корхонаси бўлди. Бу ерда ҳам ишчи хотин-қизларга вилоят ИИБ ЙҲХБ раҳбариятининг байрам табриги ва совғалари етказилди.

Шундан сўнг вилоят маркази бўйлаб байрамона безатилган махсус патруль автомашинасида ҳайдовчи ва пидёда хотин-қизларга байрам совғалари улашилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ТАЙИНЛАНДИ




**Майор Абдуллаев Ғайрат Жуман ўғли** – Сирдарё академик лицейи директори лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар ИИБ Кадрлар бош бошқармаси Маънавий-тарбиявий ишлар ва ижтимоий ҳимоя бошқармаси Тарбиявий ва маънавий-маърифий ишлар бўлими бош инспектори лавозимида фаолият юритган.

БАЙРАМ ТУХФАСИ

# ДИЛЛАРДА БАҲОРИЙ КАЙФИЯТ

(Давоми. Бошланиси 1-бетда).

Шунингдек, ушбу қаватда Тошкент шаҳар ички ишлар органларининг музейи ҳам барпо қилиниб, унда соҳа тарихидан ҳикоя қилувчи турли даврларга тегишли бўлган осойишталик посбонлари томонидан қўлга киритилган ютуқлар, хизмат фаолияти давомида фойдаланган алоқа воситалари ҳамда бошқа экспонатлар ўрин олган. Учинчи қаватда эса замонавий кўринишдаги мажлислар зали жой олган. Жорий йилда ана шундай бунёдкорлик ишларини давом эттирган ҳолда, Наврўз байрами арафасида яна бир қатор бино-иншоотларни фойдаланишга топшириш режалаштирилган.



эсдалик қўл соатлари ва пул мукофоти билан тақдирланди. Табрик учун сўзга чиққан Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Рустам Хатамов ҳам тизимда хизмат қилаётган барча аёл ходимларни байрам билан самимий кутлаб, сўнгги уч йил мобайнида Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз хотин-қизларининг турмуш даражасини янада яхшилаш йўлида улкан ишлар амалга оширилаётганлиги хусусида тўхталди. Шунингдек, бу каби ғамхўрликлар гўзал ва бетакрор диёримизда аёлларга бўлган юксак

Яқинда бош бошқарманинڭ мажлислар залида мазкур бинонинг очилиши ҳамда халқаро Хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, генерал-майор Рустам Жўраев тадбирни очиб, дилбар опа-сингилларимизни байрам билан қизгин муборакбод этди. У сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар самараси ўлароқ, мунис аёлларимизга кўплаб имконият ва шароитлар яратиб берилаётгани, шу боисдан ҳам улар давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида эркаклар билан бир сафда елкама-елка туриб хизмат қилаётганлигини, бу юртимизда олиб борилаётган гендер тенглиги таъминланаётганининг тасдиғи эканлигини таъкидлади.

– Бугунги кунда бошқа соҳалар қатори ички ишлар органлари тизимида ҳам кўплаб аёллар раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатиб, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшяпти. – деди генерал-майор Р. Жўраев. – Биргина Тошкент шаҳар ИИББда 6



нафар, унинг қуйи тизимларида эса 19 нафар аёл раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатаётгани, яна 10 нафари юқори лавозимларга тайинлаш учун ўрганиб чиқилаётгани айни ҳақиқатдир. Ички ишлар бўлимларида хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектор, вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспектор ва психолог лавозимлари жорий этилиб, уларнинг ҳам аксарияти аёллар билан жамланди. Натижада аҳоли билан мулоқот кучайиб, халқнинг ички ишлар органларига бўлган ишончи янада ортиб бормоқда. Бунинг исботи тариқасида бош бошқарма Ҳуқуқбузарликлар

профилактикаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари – Хотин-қизлар масалалари бўйича бўлим бошлиғи, майор Мақсуда Хўжаназарова истиқлолимизнинг 28 йиллик байрами арафасида давлатимизнинг юксак мукофоти – «Шухрат» медали билан тақдирлангани, шунингдек, байрам арафасида Ички ишлар вазири томонидан



баҳо эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, ички ишлар органларидаги узоқ йиллик самарали хизмати, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун ИИББ тизимида хизмат қилаётган бир гуруҳ аёллар «полковник», мудда-

хурмат-этиборнинг ёрқин намунаси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

– Мана шундай мукофотга лойиқ топилганидан беҳад мамнунман, – дейди ИИББ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси катта терговчиси, майор Мадина Султонова. – Муддатидан олдин «подполковник» махсус унвони берилгани эса мени янада масъулият билан хизмат қилишга ундайди.

Бундан ташқари, байрам тадбирига тақриф этилган фахрий аёлларга ҳам бош бошқарманинڭ қимматбаҳо совғалари топширилди.

Тадбирда сўз олганлар соҳада яратилаётган бундай имконият ва шарт-шароитлар учун вазирлик ҳамда бош бошқарма раҳбариятига миннатдорлик билдиришди.

Кўтаринки руҳда ўтган байрам тадбири якунида ўқилган шеърлар ва ижро этилган дилрабо куй-қўшиқлар барчага баҳорий кайфият улашди.

**Михли САФАРОВ,**  
**«Postda» муҳбири.**  
**Абу КЕНЖАЕВ**  
**олган суратлар.**



23 нафар аёлнинг рағбатлантирилгани фикримиз тасдиғидир. Бундан ташқари, 2 та «полковник» ҳамда 2 та муддатидан олдин «подполковник» махсус унвонларининг берилиши ҳам соҳамиз хотин-қизларига бўлган эътибор намунасиридир.

Шундан сўнг ИИББ Кадрлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Гулом Эшимбетов Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожоновнинг соҳамиз хотин-қизларига йўлаган байрам табригини ўқиб эшиттирди.

Мазкур бинонинг қурилиши ва таъмирланишида жонбозлик кўрсатган бунёдкорларга бош бошқарманинڭ қиммат-

тидан олдин «подполковник» махсус унвонлари ҳамда вазирликнинг фахрий ёрлиғи,



## ОНА БОР ХОНАДОЖ

*Она учун фарзанд – бола бўлади,*

*Етса ҳамки, ҳатто тўқсон ёшгача.*

*Она бор хонадон нурга тўлади,*

*Она бор дунёда яшаш бошқача.*

*Яшайди онамиз бизларни ўйлаб,*

*Туну кун Аллоҳдан бахтимиз сўраб.*

*Онасиз қолганлар тўймайди йиғлаб,*

*Она бор дунёда яшаш бошқача.*

*Оналар доимо ҳурматда бўлсин,*

*Фарзанди бахтини, албатта, кўрсин.*

*Етимликдан етар азоби кўрсин,*

*Она бор дунёда яшаш бошқача.*

*Етимлик дардини етим билади,*

*Унинг бу дунёси бир кам бўлади.*

*Ўзидан ўтганин ўзи билади,*

*Она бор дунёда яшаш бошқача.*

*Онангиз умрига умр тилайман,*

*Туганмас ҳаловат, ҳузур тилайман.*

*Онаси йўқлардан узр сўрайман.*

*Она бор дунёда яшаш бошқача.*

**Зухра АЛИЕВА,**  
**подполковник.**

## ФАХРИЙЛАР — ФАХРИМИЗ

## ТИРИК КИТОБ

Салкам тўқсонга тўқнашган истеъфодаги подполковник Ўктам Жўраев асли Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги Бешкапа қишлоғидан. Унинг болалиги Иккинчи жаҳон уруш йилларига тўғри келди. Очлик, қаҳатчилик азобларини бошидан ўтказган. Ака-укалари ва опа-сингиллари билан ажриқ томири талқонини еб қишдан омон чиққанлиги, тут пишиғига етиб олгандаги қувончи кечагидек ёдида.

Бу қийинчиликларга қарамастан, Ўктам ота мактабда яхши ўқиди. Шунданми, 9 синфни тамомламасидан, кечки мактабда ёши катталарга дарс беришни унга ишониб топширишди. Ўқитувчилик қилган кезлари ҳарбий билим юртида таълим олиш учун ёшларни саралашаётганини эшитиб, тўғри туман мудофаа бўлимига борди. Кўриқдан ўтгач, 1953 йилда Россиянинг Ростов вилоятидаги ҳарбий билим юртига қабул қилинди. Тил билмаслиги сабаб бошида анча қийналди. Яна зехни ўткир ва илмга чанқоқлиги қўл келди. Кўп ўтмай, рус тилини пухта ўзлаштириб, авиация қурол-яроғлари мутахассисига айланди, ҳайдовчилик касбини ҳам эгаллади. Ҳамкурслари билим юртини «лейтенант» унвони билан тарқ этишди. Фақат Ўктам ўрта мактабни тамомламаганлиги учун «катта сержант» унвонини олди.

Бир куни тоғаси Мирзачўл ўзлаштирилаётганлиги, у ерда ҳайдовчиларга эҳтиёж борлигини айтиб қолди. Шу тақлиф ортидан Бобвут туманига келган киришимли, тўғрисўз, ҳарбий мутахассис, кечқурунлари жамоат тартибини сақлашга кўмаклашадиган ҳайдовчи йигит ҳудуддаги ички ишлар органлари ходимларининг



Жиззах бўлини масага бошлиқ этиб тайинланди. 1985 йили айна шу жойдан «подполковник» унвонига пенсияга чиқди. Ўктам Жўраев ички ишлар органларида масъулиятли ходим сифатида ҳурмат қозонди ва шунга муносиб равишда кўплаб медал, кўрак нишони ҳамда фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди. Аъло хизматлари учун унга мотоцикл ва автомобиль ҳам совға қилишган.

Ўктам Жўраев турмуш ўртоғи Меҳринисо Йўлдошева билан бирга олти нафар фарзандни ҳеч қимдан кам қилмай ўстиришди. Улар ҳозирда таълим, маданият, молия ва тadbиркорлик соҳаларида ишлашапти. 13 набира, 4 чеваранинг суюкли бобожониси ҳаёт китобини варақлаб, уларга уруш йиллари, чўлларни ўзлаштириш даври, ички ишлар органларидаги фаолияти ҳақида мароқ билан гапириб беради.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**  
«Postda» мухбири.  
Жиззах вилояти.

Суратда: истеъфодаги  
подполковник  
Ўктам Жўраев.  
Муаллиф олган сурат.

## ФАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## ЭҲТИРОМ ОҒУШИДА

Олтиариқ туманидаги Окбўйра маҳалласида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ички ишлар органлари фахрийси Тўланбой ота Шокиров билан суҳбатлашган одам бир олам маънавий озуқа олади.

Шу боис отахон истиқомат қиладиган хонадон ҳаммиша ёшлар билан гавжум. Уларни кўриб, отахоннинг чехраси янада ёришиб кетади. Ўзининг ёшлик давларини кўзда ёш билан эслаб, бугунги дориламон кунларга шукрона айтади. Ҳаёт синовлари ва уни энгиб ўтиш йўллари ҳақида ёшларга доно маслаҳатларини беришдан чарчамайди.

– Юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик абадий бўлсин, – деди отахон дуога қўл очиб. – Бугунги кунлар учун шукрона қилишимиз, қадрига етишимиз керак. Биз ёшлиқда кўп қийинчиликларни бошдан ўтказдик, уруш даҳшатларини кўрдик. Бугунги ёшлар эса жуда бахтиёр, уларга ҳавасим келади.

Тўланбой Шокиров урушга кетганида ҳали 18 ёшга тўлмаган навқирон йигит эди. Бир неча йил уруш даҳшатларини кўриб, она юртга эсон-омон қайтгач, ички ишлар органларига ишга кирди. Ёнғин хавфсизлиги хизматида 30 йил самарали меҳнат қилиб, эъзоз ва эҳтиром билан пенсияга чиқди.

Қаҳрамонимиз бу йил 95 баҳорни қарши олмоқда. Унинг тетик юриши, ёшлардек дадил гапиришини эшитиб, юз билан юзлашаётганига ҳеч-чанд ишонмайсиз. Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси, Олтиариқ туман ҳокимлиги томонидан ташкил этиладиган тадбирларда

доим фаол қатнашади. Шўх куй-кўшиқларга эса худди ёшлардек рақсга тушишни ҳам қўйиллатади.

Маҳалладошлар отахоннинг шундай табаррук ёшда ҳам ғайратли, тетик ва соғлом эканлигини унинг хушчақчақ феъл-атвори,



самимийлиги билан боғлашади.

Тўланбой отанинг 4 нафар фарзанди, 13 нафар невага, 23 нафар чевараси бор. Нуруний уларнинг даврасида кексалик гаштини сурмоқда. Вилоят ички ишлар бошқармаси, туман ички ишлар бўлими, ҳудуд профилактика инспектори ва маҳалла фаоллари уни доим йўқлаб, ҳолидан хабар олиб туришибди. Фалабанинг 75 йиллиги яқинлашгани сари Тўланбой отанинг хонадони янада файзга тўлмоқда.

Баҳорнинг илк кунларида Олтиариқ тумани ИИБ бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, капитан Одилжон Тожалиев ҳам бир гуруҳ ходимлар ҳамроҳлигида Тўланбой отанинг ҳолидан хабар олиб, унга меҳр ва эътибор кўрсатди.

Отахон эса бу эҳтиромдан янада руҳланиб, юртимизнинг тинчлик ва барқарорлиги абадий бўлишини сўраб, дуо қилди.

**Абдусот СИДИҚОВ,**  
«Postda» мухбири.  
Фарғона вилояти.

## ТРЕНИНГ

ХОДИМНИНГ МУОМАЛА  
МАДАНИЯТИ ЮҚОРИ БЎЛСА...

Навой вилояти ИИБ ЙҲХБ тизимида жорий йил бошидан буён бир қатор янгиликлар ҳамда ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, вилоят ИИБ ЙҲХБ томонидан фуқаролар ўртасида сўровнома ўтказилди. Унда аҳоли вакиллари билдирган тақлифлар ҳамда фикрлар соҳа ходимларининг ўз устида кўпроқ ишлаши ва муомала маданиятини янада яхшилаши зарурлигини кўрсатмоқда. Яқинда айна шу мақсадда бошқармада психологлар томонидан тренинг ўтказилди.

– Тўғриси, биз хизмат чоғида фуқаролар билан мулоқотга киришганимизда аксарият ҳолларда асабийлашимизга тўғри келади. Бугун ўтказилаётган тренинг машғулларида эса ҳар қандай қийин, мураккаб ҳолатдан тўғри чиқиш йўллари ўргатилди, – дейди вилоят ИИБ ЙҲХБ катта инспектори, лейтенант Гиёс Бобоназаров.

Ҳар бир ходимнинг ўзини тутиш, муомала маданияти юқори бўлгандагина, аҳоли ўртасида унинг хурмати ва мавқеи кўтарилари. Айна шу мақсадда вилоят ИИБ раҳбарияти асосий эътиборни ходимларнинг касбий билим салоҳиятини ошириш, қолаверса, жисмоний тайёргарлик ва жанговар шайлик даражасини юксалтиришга қаратяпти. Яқиндан бошлаб шахсий таркибининг руҳий ҳолатини ҳам яхшилаш мақсадида психологлар томонидан дарслар ўтилиши йўлга қўйилди. Бу, албатта, тез орада ўзининг ижобий самарасини беради, деб ишонамиз.

Ўз мухбиримиз.


ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

## ИШОНЧНИ ОҚЛАЁТГАН ЙИГИТ

Урганч тумани ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими терговчиси, катта лейтенант Жалолбек Бобожонов меҳнатсевар, шижоатли ёшлардан биридир. Хизмат вазифасига масъулият билан ёндашётган Жалолбек ўтган йили 43 та жиноят ишини белгиланган муддатда, сифатли аяқунал, шундан 15 тасини ғираланг тартибда судга юборган.

Ўзгалар мол-мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича умумий моддий зарарнинг 85 фоизи тергов жараёнида тўла қоплаштишга эришган. Хизмат фаолияти давомида кўрилган жиноят ишларининг суд органлари томонидан қўшимча терговга қайтариш ҳолати кузатилмаган. Шунингдек, самарали хизмат фаолияти учун олти нафар фуқаро томонидан Халқ қабулхоналарига миннатдорлик билдирилган. Ўз хизмат вазифасини сидқидилдан бажарётган бу йигит жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг фахрий ёрлиги билан мукофотланди. Шунингдек, у туман ИИБ Ёшлар етакчиси вазифасида ҳам самарали фаолият олиб бормоқда.

Урганч туманидаги Юкори-боғ қишлоғининг Кўҳна овул маҳалласида туғилган Жалолбек мактабга бормасиданоқ ота-онасидан ўқиш-ёзишни ўрганган. Урганч шаҳридаги 5-умумтаълим мактабини тугатгач, ҳарбий лицейга ўқишга кириб, билимини янада бойитишга интилди, тартиб-интизомга қатъий риоя қилди. Лицейни тугатгач, ИИБ Академиясига ўқишга кирди. Бу ердаги таълим жараёни, яратилган шарт-шароитлар унинг билим олишга бўлган иштиёқини янада оширди. Шу боис тинмай ўқиди, ўқитувчиларнинг сабоқларини ўқиган, ишончларини оқлаган астойдил ҳаракат қилди. Академияни тугатгач, вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармасига терговчи лавозимида фаолиятни бошлади.



У бу ерда устозларининг бой ҳаётий тажрибаларини кунт билан ўрганди, маслаҳатлари, насихатларига амал қилди. Орадан бир йил ўтгач, Урганч тумани ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими терговчилигига тайинланди. Айни кунда у ушбу лавозимда хизмат фаолиятини давом эттирмоқда.

— Баъзан жиноят содир қилиб, суд томонидан турли

муддатларга озодликдан маҳрум этилган ёшгина йигит-қизларнинг аянчли тақдирини кўриб ташвишланаман, — дейди катта лейтенант Жалолбек Бобожонов. — Уларнинг бирор-бир хайрли иш қилмаётганига, ҳаётда ўз ўрнини тополмаётганига, одамлардек хузу-ҳаловат кўриб яшамаётганига ачинаман. Оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида бундай ёшлар билан жиддий шуғулланиб, уларнинг муаммоларини ўрганмоғимиз, дунёқарашини ижобий томонга ўзгартирмоғимиз, илм олишга, касб-хунар эгаллашга, меҳнат қилишга бўлган иштиёқини кучайтирмоғимиз керак. Бундай сазй-ҳаракатлар, албатта, ўз самарасини беради.

Президентимиз ҳар бир маърузасида ёшларни фақат ва фақат олға интилишга,

янги марра ва чўққиларни ўз билим ва иқтидори билан забт этишга чорлайди. Юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлашда янада хушёр туриб хизмат қилишга, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши мurosасиз курашишга ундайди. Катта лейтенант Жалолбек Бобожонов ҳам юртимиз тинчлигини таъминлашда ташаббускор бўлишга, ўз касбий маҳоратини, ғайрат-шижоатини амалга оширишда намоён этишга ҳаракат қилмоқда.

Касбига меҳр қўйган киши ҳар дақиқанинг қадрига етиб, унумли меҳнат қилишга, самарали натижаларни қўлга киритишга интилади. Қаҳрамонимизнинг хизмат фаолиятида ҳам ёшларга хос шижоатни, фидойиликни кўриш мумкин.

**Худойберган ЖАБОРОВ,**  
«Postda» муҳбири.  
Суратда: катта лейтенант Ж. Бобожонов хизмат пайтида.  
Муаллиф олган сурат.

ИИБ Академиясида «Фидойи қизлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унинг асосий мақсади жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдан иборат эди.

## ФИДОЙИ ҚИЗЛАР — ҲАМИША ФАОЛ

Танловда «Тўмарис» ҳамда бўлажак божхоначиларнинг «Марварид» жамоалари иштирок этди. Биринчи шартда жамоа аъзолари қизиқарли сахна кўринишлари орқали таълим олаётган билим масканининг тарихи ва бугуни, келажақдаги орау-мақсадлари ҳақида сўзлаб беришди. Иккинчи шартда курсант қизлар танлаган касбларининг ўзига хос қирралари, машаққатли жиҳатларини талқин қилишди.

«Эркин мавзу» шартда бўлажак божхоначилар сеvimли адибимиз Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзголи» пьесасини замонавий талқинда ижро этишди. Академия курсантла-

кўрсата олишди.

Дўстона руҳда кечган кўрик-танловнинг якуний натижаси ҳам шунга мос бўлди. Ҳакамлар томонидан ҳар икки жамоанинг бир овоздан Голиб, дея эътироф этилгани йилганларнинг олқишига сазовор бўлди. Жамоаларни тақдирлаш маросимида Давлат божхона кўмитаси раисининг ўринбосари, божхона хизмати полковниги Фағуржон Шукуров, ИИБ Академияси бошлиғи ўринбосари, полковник Алишер Абдуллаев, Божхона институти бошлиғи, божхона хизмати подполковниги Восиджон Эргашев сўзга чиқиб, таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари фан-таъ-



ри эса жозибador рақс дастурлари орқали табиат ва инсон ўртасидаги муносабатлар, атроф-муҳитни асраб-авайлаш ҳамда келажак авлодларга етказиш каби умуминсоний ғояларни тараннум этди.

— Қизларимизнинг сахнадаги ҳаракатларини кўриб, ҳайратим ошди, — деди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти Наима Пўлатова. — Жамоалар ҳар бир шарт бўйича истеъодларини юксак даражада

лим, илмий тадқиқотлар йўналиши билан бирга, маданий соҳаларда ҳам мустаҳкамланиб бораётганини эътироф эттишди.

Шу кун кўрик-танлов иштирокчилари билан бирга, бир гуруҳ аёл ходимлар ҳам қимматбаҳо совға ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

**Жамшид ХОЛОВ,**  
катта лейтенант.  
**Сухроб ШОМАНСУРОВ**  
олган сурат.

## ЖАСУР ҲАМ, САИДА ҲАМ ХУРСАНД

Зарафшон шаҳри ҳамда Учқудуқ тумани Навоий вилояти марказидан қарийб 350 километр узоқликда жойлашган. Худуд саноатлашгани боис, бу ерда вилоятнинг, ҳатто республикамизнинг турли бурчакларидан келган ҳар хил миллат вакиллари истиқомат қилишади. Шунинг учун ҳафтанинг чоршанба, пайшанба ва жума кунлари профилактик тадбирларга алоҳида эътибор қаратилади.



Эрта тонгдан ҳамкор ташкилотлар, профилактика инспекторлари ва кенг жамоатчилик вакиллари Зарафшон шаҳридаги «Ешлик» маҳалла фуқаролар йиғини биноси олдида жам бўлди. Йўриқномадан сўнг профилактика кунли доирасида худуддаги таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, аҳоли хонадонлари ҳамда савдо шохобчалари кўздан кечирилди. Уйма-уй юрилиб, кексалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олинди, ёнғин хавфсизлиги бўйича тушунтиришлар берилди. Шу кунни худудда мақсадсиз юрган, шубҳали деб топилган 22 нафар фуқаронинг шахсига аниқлик киритилиб, юз бериши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олди олинди.

Учқудуқ туманининг «Абай» маҳалла фуқаролар йиғинида эса профилактика кунли тадбирлари янада ўзгача ташкил этилди. Даставвал, туман ҳокими, прокурори ҳамда ИИБ бошлиғи иштирокида ёшлар билан учрашув ташкил этилди. Юздан ортик ёшлар қатнашган мазкур учрашув давомида ишсизлик, имтиёзли кредит олиш, тадбиркорлик учун ер ажратиш, соғлиқни тиклаш билан боғлиқ 30 га яқин муурожаат кўриб чиқилди. Қувонарлиси, аксарият

масалалар шу куннинг ўзидаёқ ижобий ҳал этилди.

Жасур Куренбаев коллежни тамомлагандан сўнг маълум муддат ишлаб, ҳозирда ишсиз юрган ёшлардан. Унинг учрашувда қилган муурожаати мутасаддилар томонидан алоҳида назоратга олиниб, доимий иш билан таъминланди. Саида Мирзаева 28 ёшда. Унинг саломатлигини тиклаш билан боғлиқ муаммоси ҳам ҳал этилди. Яъни, тиббий муолажалари билан боғлиқ харажатлар тўла берилди билан бўлди.

Бундан ташқари, профилактика кунлари доирасида тумандаги ётоқхоналар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, қўйинги, барча объектлар кўздан кечирилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинди, уларга патронаж хизматлари кўрсатилди.

Мухтасар айтганда, нафақат вилоят марказида, балки олис туман ва шаҳарларда ҳам профилактика кунлари тадбирлари режа асосида халқчиллик билан амалга ошириляпти.

**Ўқтам УСМОНОВ,**  
лейтенант.

## МЕРОПРИЯТИЕ

## НАМЕТИЛИ ПЕРСПЕКТИВЫ

На днях состоялось расширенное заседание Совета ветеранов МВД Республики Узбекистан, в котором приняли участие председатели советов ветеранов МВД Республики Каракалпакстан, ГУВД г. Ташкента и Ташкентской области, УВД областей, Академии МВД, Караульных войск. Поднимались многие актуальные вопросы, в том числе говорились о проблемах вышедших в отставку сотрудников, оценке деятельности Совета ветеранов.



Заседание открыл председатель Совета ветеранов МВД генерал-майор в отставке Эркин Норгитов. Он отметил, что по инициативе Президента в нашей стране всесторонне поддерживают представителей старшего поколения, руководство Министерства внутренних дел уделяет особое внимание ветеранам.

— Необходимо посещать наших уважаемых ветеранов, — сказал генерал-майор

в отставке Эркин Норгитов. — Одно доброе слово может повысить им настроение. Плохо, если после выхода на пенсию никто не интересуется судьбой человека, отдавшего лучшие годы жизни службе. Мы навещаем ветеранов, проживающих в областных и районных центрах. Но часто без внимания остаются те, кто живет в отдаленной местности. Поэтому целесообразным является создание в каждом районе группы Совета ветера-



нов, чтобы навещать каждого сотрудника в отставке, а также регулярное проведение бесед с участием ветеранов и молодых сотрудников.

Выступивший на заседании советник министра внутренних дел генерал-полковник Зокиржон Алматов отметил, что нельзя забывать о людях в погонах, которые стояли на страже независимости в первые годы ее провозглашения. Им нужно уделять должное внимание.

Приехавшие на мероприятие председатели советов ветеранов областей поделились проблемами, высказали предложения по их решению.

Перед присутствующими выступил заместитель министра внутренних дел Республики Узбекистан полковник Р. Хатамов.

— Руководство министерства выражает глубокую благодарность ветеранам, которые являются учителями многих сотрудников, охраня-

ющих мир и спокойствие в Узбекистане, предупреждающих преступность, обеспечивающих общественный порядок и безопасность граждан, — отметил он. — Однако есть сотрудники, которые нарушают установленные правила, не соблюдают дисциплину. Необходимо уделять их воспитанию должное внимание, наставлять на истинный путь. В этом деле неоценима роль ветеранов. Высказанные на мероприятии предложения и мнения ветеранов будут рассмотрены руководством министерства, по возможности, будет оказана необходимая помощь.

В завершение собрания, в связи с 75-летием, заместителю председателя Совета ветеранов МВД полковнику в отставке Гулому Йулдошеву были высказаны слова благодарности и поздравления, вручены ценные подарки от имени руководства МВД республики.

**Садриддин ШАМСИДИНОВ,**  
корреспондент «На посту».  
Фото Абу КЕНЖАЕВА.

## ЕСТЬ ТАКАЯ СЛУЖБА

## Будни сотрудников турполиции Ташкента

Вежливые, тактичные, владеющие несколькими иностранными языками, эрудированные, знающие историю страны и города сотрудники, несущие службу в Управлении по обеспечению безопасного туризма ГУВД г. Ташкента, могут поддержать беседу и рассказать гостям о нашей столице.

Несмотря на то, что данное управление относительно молодое, личный состав его хорошо зарекомендовал себя среди иностранных туристов. Сотрудники турполиции, как называют их иностранные туристы, обеспечивают общественный порядок и предотвращают правонарушения на территории наиболее посещаемых объектов, а также защищают гостей столицы от преступных посягательств. Вот несколько примеров.

1 февраля текущего года, примерно в 17.45 часов, к сотрудникам управления обратилась гражданка США Пандея Тара Катерин. Она рассказала, что приехала в Ташкент по туристической визе. Обратившись в одну из гостиниц, расположенных в Мирабадском районе, услышала отказ в регистрации в связи с отсутствием свободных мест. Сотрудники турполиции связались с несколькими другими гостиницами, выяснили, где есть свободные места, сопроводили гостью и помогли оформить регистрацию.


13 февраля на короткий номер «102» позвонила гражданка Республики Казахстан Асем. Девушка попросила связать ее с сотрудниками управления, чтобы они оказали ей

помощь в поиске сотового телефона, который она забыла в такси. По описанию гостю, машину удалось найти. Оказалось, водитель был бы рад вернуть телефон, только не знал, как найти гостью в большом городе.

Сотрудники управления выявляют факты нарушения оказания услуг турфирмами.

К примеру, участились случаи обращения граждан Нигерии и Республики Мали в ГУВД и территориальные подразделения УКД ОВД г. Ташкента с просьбой оказания им содействия в оплате штрафа за нарушение правил пребывания и регистрации на территории нашей страны.

Так, 13 января текущего года 32-летний гражданин Нигерии Тангод Чидибере Далентгон в своем обращении сообщил, что директор одного из столичных ООО по оказанию туристических услуг, 38-летний Умид А. за выдачу визы в Турцию взял у него 1 500 долларов США, однако не выполнил своего обещания. В тот же день в УОБТ ГУВД столицы обратились еще четверо граждан Нигерии. В ходе выяснения обстоятельств сотрудники турполиции установили, что все обратившиеся были приглашены в Рес-



публику Узбекистан директором того же ООО. Еще одна гражданка Нигерии, Эммануэл Фортуна Ибисо, позвонила на номер «102» и просила оказать содействие в получении exit-визы и погашении штрафа за нарушение правил пребывания и регистрации в нашей стране. В ходе беседы она рассказала, что приехала в Узбекистан в сентябре прошлого года по гостевой визе. По истечении срока визы обратилась в турфирму для ее продления, однако директор данной фирмы, Умид А., после составления договора о продлении визы перестал отвечать на телефонные

звонки и выходить на связь, после чего она обратилась за помощью в УОБТ ГУВД.

8 февраля Умид А. был приглашен в УОБТ ГУВД столицы, где с ним провели профилактическую беседу.


В настоящее время совместно с сотрудниками УМиОГ ГУВД г. Ташкента принимаются меры по решению вопроса о погашении штрафов и выдворении вышеуказанных иностранных граждан за пределы Узбекистана.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**  
корреспондент «На посту».

МОЛОДЕЖЬ – НАШЕ БУДУЩЕЕ

# ЯЗЫК – ЭТО ПУТЬ ЦИВИЛИЗАЦИИ И КУЛЬТУРЫ

В нашей республике широко реализуется проект «Пять инициатив Шавката Мирзиёева», охватывающий ключевые вопросы развития государства. Особое внимание уделяется воспитанию подрастающего поколения. По всей стране развернута работа, направленная на повышение духовности молодежи.



В Бухарском академическом лицее МВД Республики Узбекистан образованы четыре кафедры: языков, специализированных предметов, точных и естественных наук, гуманитарных наук, преподаватели которых вносят свой вклад в реализацию инициатив Президента.

Февраль объявлен месяцем кафедры языков. Согласно утвержденному плану были проведены мероприятия, направленные на повышение интереса учащихся к изучению языков. Преподаватели родного, русского, английского, немецкого и французского языков на протяжении месяца проводили уроки в режиме «открытых дверей». Преподаватели П. Наимов и Р. Ходжаева в ходе показательных уроков продемонстрировали нетрадиционный подход к вопросам воспитания

и образования. Креативный подход к методике преподавания использовал преподаватель английского языка П. Наимов. Нестандартные речевые ситуации, простота и непринужденность в общении, активизация внимания учащихся, использование игр, ораторский талант учителя способствовали достижению целей уроков. Учащиеся не только пополнили зна-



ния, но и получили дополнительную информацию, расширили кругозор.

Впервые в лицее был проведен интегрированный урок русского языка и истории, который проводился по зарубежной методике «урок в четыре руки». Занятия прошли в одном из музеев города Бухары, что способствовало созданию определенной исторической атмосферы. Преподаватели русского языка Р. Ходжаева и истории Б. Хамидов вели урок синхронно, сменяя и дополняя друг друга. Исторический материал закреплялся выполнением заданий по русскому языку. Презентации, видео, дидактический материал, развивающие игры не давали расслабиться. Урок прошел на одном дыхании. Эксперимент удался. Образовательный процесс увлек не только учащихся, но и молодых преподавателей лицея. Педагоги кафедры языков планируют внедрение и других методических новшеств в процесс обучения и воспитания.

**Раъно ХОДЖАЕВА,**  
заведующая кафедрой языков  
Бухарского академического лицея  
МВД Республики Узбекистан.



• Принятие 21 октября 1989 года в Узбекистане Закона «О государственном языке» явилось решительным шагом на пути к суверенитету и независимости страны. Благодаря этому историческому документу узбекский язык обрел прочную правовую основу и высокой статус.

• На узбекском языке – в мире говорят почти 50 миллионов человек.

• В целях дальнейшего повышения авторитета узбекского языка в социальной жизни нашего народа и на международном уровне, воспитания подрастающего поколения в духе патриотизма 21 октября 2019 года издан Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка как государственного языка».

• В структуре Кабинета Министров Республики Узбекистан функционирует Департамент по развитию государственного языка, в числе основных задач которого: развитие государственного языка, осуществление мониторинга за соблюдением законодательства о государственном языке, внедрение эффективных форм общественного контроля в данной сфере; подготовка предложений по выявлению и устранению проблем, связанных с оборотом государственного языка, а также ведению единой государственной политики в сфере его развития.



## ЗДЕСЬ СОБРАЛИСЬ ТАЛАНТЫ

В Хорезмском академическом лицее МВД Республики Узбекистан обучаются талантливые юноши и девушки, самостоятельно мыслящие, активно участвующие в общественных делах. Здесь для них созданы все условия. Они осваивают знания, регулярно занимаются спортом, культурно проводят досуг.

В целях формирования у учащихся необходимых для сотрудников органов внутренних дел качеств и первичных профессиональных навыков функционируют учебно-методические кабинеты 12 отраслевых служб. Руководители подразделений и их заместители посещают лицей, проводят лекции, встречи, беседы за «круглым столом». Особое внимание уделяется формированию идеологического иммунитета против чуждых нашему

менталитету идей. Делается акцент на борьбу с преступностью, охрану общественного порядка, деятельность по профилактике правонарушений.

Обучают и воспитывают лицеистов опытные педагоги. Они используют в работе инновационные технологии, благодаря которым достигаются высокие результаты.

К примеру, в Ургенчской городской предметной олимпиаде приняли участие 42 учащихся, 35 из них стали призерами, приняли участие в областном этапе. В минувшем году лицеисты завоевали 8 призовых мест в спортивных соревнованиях республиканского масштаба.

В образовательном учреждении созданы условия для регулярного занятия спортом. Участие в играх «Сокол», «Молодой спасатель», «Молодой пожарный», «Молодые посбоны» имеет важное значение в физической закалке лицеистов.

**Шокир ЮСУПОВ,**  
подполковник в отставке.  
**Худойберган ЖАББОРОВ,**  
корреспондент «Postda».  
Фото Саъдуллы АБДУЛЛАЕВА.

*Безмерна к тебе моя любовь,  
Положись ты на своего сына.  
В жилах моих – великая кровь,  
Ведь я потомок Джасолидинна!*

*С отвагой, как у Темура,  
Прославлю имя я твоё.  
Тебе, о Родина родная,  
Готов и сердце я отдать своё.*

**Расулбек РУЗМАТОВ,**  
учащийся 2-го курса  
Хорезмского академического  
лицея МВД Республики  
Узбекистан.





## ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ ИЛФОР ТАЖРИБАЛАРНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Ҳозирги кунда ИИВ Академиясининг кундузги таълимида еттига мутахассислик йўналиши бўйича уч йиллик дастур асосида кадрлар тайёрланмоқда. Ҳар бир мутахассислик учун ўқув-методик хоналар ташкил этилиб, машғулотлар малакали профессор-ўқитувчилар ҳамда соҳада кўп йиллик тажрибага эга амалиёт ходимлари томонидан ўтказилапти. Машғулотларда интерфаол усулларнинг кенг қўлланилаётгани курсантларнинг билим ва касбий кўникмаларини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда таълим муассаси профессор-ўқитувчилари таркибини малакали илмий-педагогик кадрлар билан тўлдириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда амалий тажрибага эга бўлган мутахассисларни ўқув жараёнига жалб этиш, ўқитишнинг замонавий шакл ва усуллари, янги педагогик ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, ситуацион машғулотлар, масофадан ўқитиш тизимини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шундан келиб чиқиб, курсантларнинг амалий билим ва кўникмаларини мустақамлаш, келгусида хизмат фаолиятини олиб борадиган ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишини таъминлаш мақсадида иш ўрганиш амалиётини ҳудудий ички ишлар органларида ўтказиш йўлга қўйилди. Айни кунларда битирувчи босқич курсантлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ички ишлар органларида иш ўрганиш амалиётини ўтасмоқда.

— Криминалистик экспертизалар ўтказиш мураккаб ва қизгин жараён, — дейди Қува тумани ИИБда амалиёт ўтаётган курсант Аҳаджон Режапов. — У ҳодиса жойини синчковлик билан ўрганишни, содир этилган жиноятга оид излар, ашёвий далилларни мукамал тўплаб, экспертиза қилишни талаб қилади.

Тажрибали устозларнинг маслаҳат ва йўл-йўриқлари амалий кўникмаларимни янада оширишга туртки бермоқда.

Айтиш керакки, амалиёт даврида курсантларга профилактика инспекторлари, эксперт-криминалистлар, малакали тергов ва жиноят қидирув ходимларининг бириктирилгани ишни самарали ташкил этиш, ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни «иссиқ изида» фош этиш, тергов-суриштирув ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари ҳамда турли экспертизаларни сифатли ўтказишга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда Академиянинг ҳар бир кафедрасида илмий тўгараклар самарали фаолият кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда мазкур тўгарак аъзоларидан бир неча нафари республика фан олимпиадаларида фахрли ўринларни қўлга киритгани ҳам фикримизга ёрқин мисолдир. Умуман олганда, таълим жараёнига татбиқ этилаётган янгиланишлар кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий ўқув йилидан Ўқув жараёнини мониторинг қилиш маркази фаолияти йўлга қўйилиб, унинг асосий мақсади таълим жараёнини кузатиш, таълим сифатига салбий таъсир этувчи омил-

ларни аниқлаш, юзага келиш сабаб ва шароитларини ўрганиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда таълим жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўқув жараёнига татбиқ этилган бу янгилик таълим сифатини юксалтириш, ўқув жараёнини мониторинг қилиш орқали назарий ва амалий машғулотларни замон талаблари даражасида йўлга қўйиш имконини бермоқда.

— Ўқув машғулоти ўтказиладиган ҳар бир хона ва аудитория рақамли видеокамералар билан тўлиқ таъминланган. Профессор-ўқитувчиларимиз ҳамда тингловчи-курсантларимизнинг машғулотларга қатнашиши, таълим жараёнига ёндашуви тасвирга олиб борилади. Мутахассисларимиз ушбу видеотасвирлар орқали ҳар бир жараённи баҳолаб боришади, — дейди марказ ходими, капитан Бехзод Исаев.

Академияда хорижий таълим муассасалари билан кадрлар тайёрлаш бўйича тажриба алмашиш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш орқали халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳам устувор аҳамият касб этади. Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги, Россия Федерацияси, Беларусь Респуб-

ликаси ва бошқа мамлакатлар олий таълим муассасалари мутахассислари иштирокида ўтказилаётган семинар-тренинглар профессор-ўқитувчилар ҳамда курсантлар учун халқаро тажрибаларни ўрганишга йўл очмоқда.

Академиянинг Илмий-амалий тадқиқотлар маркази томонидан республикамиздаги криминоген вазият туманлар кесимида илмий жиҳатдан ўрганилиб, жиноятларнинг содир этилиш сабаблари, бунга имкон бераётган шарт-шароитлар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида марказ ходимлари ҳамда профессор-ўқитувчилари Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида илмий ёндашувлар асосида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликни жиловлash ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўзига хос тажриба яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишди.

Бир сўз билан айтганда, Академиянинг таълим жараёнига татбиқ этилаётган замонавий ёндашувлар кадрлар тайёрлаш сифат-самарадорлигини оширишга замин яратмоқда.

Ўз мухбиримиз.



МУНОСАБАТ

# ОНА ВАТАНГА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

**«Оналаримиз шарофати билан Ватанимиз тупроги жаннат боғларидек гўзал ва мўтабардир. Оналар дуосидан юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ишимизда унум, ҳаётимизда барака бор». Президентимизнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимида сўзлаган нутқидаги ушбу жумлалар кўнглимизни тоғдай кўтариб, дарёдай тошириб юборди. Давлатимиз раҳбарининг юксак эътирофидан сўнг эртанги кунга, фарзандларимиз камолига ишончимиз янада ортди.**



Президентимиз нутқини тинглар эканмиз, юртимизда кейинги уч йилда аёлларимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ортганини, улар ўзлари меҳнат қилаётган барча соҳалардаги ислохотлар самарадорлигига дахлдор бўлаётганлигини, буни ўзлари учун шараф деб билаётганликларини чуқурроқ ҳис қилдик. Буни рақамлар, барча соҳалардаги ислохотлар самараси исбот қилди. Байрам дастурхони атрофида жамланган, янада гўзал бўлиб байрамга келган сенаторлар, депутатлар, фан арбоблари, санъатимиз юлдузлари, шифокор, ўқитувчи, иқтисодчи, курувчи, муҳандис, тадбиркор хотин-қизларнинг ишонч тўла нигоҳлари тасдиқлади.

Президентимиз «Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Холбуки, – шунга эътибор беришингизни сўрайман – бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик», деганларида кўнгилимиз, орзуларимиз дунёлар билан бўйлашди.

Мен Қорақалпоғистонимизни кўз олдимга келтирдим. Байрам шодёнларида бевосита иштирок этаётган, зангори экран қаршида давлатимиз раҳбарининг кўнгиллари кўтарилиб бахш этувчи нутқини катта эътибор ва диққат билан тинглаётган қорақалпоғистонлик аёлларни ўйладим.

Қорақалпоғистонда ҳам маҳаллий кенгашларга 160 нафар хотин-қизларимиз депутат бўлиб сайланди. Уларнинг сони Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесидан 20 нафарни ташкил қилади. 2 нафар хотин-қиз Олий Мажлис Сенати аъзоси, 3 нафар вакиламиз эса Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатидир.

Давлатимиз раҳбари тантанали маросимдаги нутқида «Албатта, ёш қизларимизни асраб-авайлаш, уларга тўғри тарбия бериш, мустақил ҳаётга тайёрлаш, халқимизга муносиб фарзандлар этиб камолга етказиш учун давлат ва жамият ўз зиммасидаги барча ишларни бажаради. Лекин бу ўта муҳим вазифани адо этишда оиланинг,

меҳрибон бувиларимиз, мунис оналаримиз, маҳалладаги кайвони аёлларнинг ўрни ва таъсирини ҳеч ким босолмайди», дея таъкидлади. Биз оналар, қизларимизни турмушга тайёрлашда, уларни ибодати, ҳаёли, зуққо, сабр-иродали, билимли, меҳрли ва эътиборли қилиб тарбиялаш йўлида тажриба ва қобилиятимизни ишга соламиз.

Ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари,

қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда. Бугунги кунда аёлларнинг барча соҳалардаги самарали меҳнати, хусусан, фарзандлар тарбияси, оила ҳаётидаги улкан хизматларини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Ўтган икки йилда халқаро андозалар талаблари доирасида аёллар аҳолини



тубдан яхшилашга доир 15 дан ортик норматив-ҳуқуқий ҳужжат имзоланган ва ижрога қаратилган. Хусусан, 2019 йил 2 сентябрда «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида», «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди. Гендер тенглики таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил этилиб, у хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ишларнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ахборот тақдим этиши белгиланган бўлиб қўйилди.

«Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунда давлат хотин-қизлар ва эркекларга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида

тенг ҳуқуқликни, хотин-қизлар ва эркекларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни кафолатлаши мустаҳкамлаб қўйилди.

Катта ишонч билдирилиб хотин-қизларимиз туманларга ҳоким қилиб тайинланмоқда. Уларнинг жамиятдаги, оиладаги ўрнини мустаҳкамлаш учун фарзандларининг болалар боғчаларида тарбияланишлари кенг имкониятлар яратилмоқда. Юртбошимиз

таъкидлаганларидек: «Богча тарбияси нафақат боланинг ўзига, балки унинг ота-онасига ҳам, қолаверса, бутун жамият ҳаётига ҳам кучли ижобий таъсир кўрсатади. Боласи боғчада, муносиб шароитда тарбия топаётганини кўрган аёл киши албатта хотиржам кайфиятда, шукроналик билан яшайди». Давлатимиз раҳбари қизларнинг ўқимишли бўлиши, олий ўқув юрталарида таълим олишига ҳам катта эътибор билан қарапти. Қизларимизнинг олий ўқув юртига кириб, ўқишлари учун алоҳида имтиёзлар яратилиши тўғрисидаги кўрсатмалари фикримиз далилидир.

Халқимизнинг азалий қадриятларидан бири кеҳиримликдир. Президентимизнинг «Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган бир гуруҳ маҳкума аёлларни афв этиш тўғрисида»ги фармонини барчамиз катта хурсандчилик билан қарши олдик. Мана шундай байрамона, шуқуҳли кунларда қилмишига чин кўнгиладан пушаймон аёлларнинг афв этилишида катта маъно бор.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар бугунги кунда ўз натижасини бермоқда. Янги тизим – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ўз фаолиятини бошлаётганлигини, 22 мартнинг «Маҳалла тизими ҳодимлари кунини» деб белгиланганлиги фўқаролар истиқомат қилаётган, уларнинг қувончи ҳам, қайғуси

ҳам бир бўлиб кетган маҳалладаги дўстона муҳит, ўзаро биродарликда, ҳамкорликда умргузаронлик қилишга катта йўл очади, одамларнинг кайфиятини кўтаради.

Бу йилги байрам мана шундай хуш кайфият ва янги умид ҳамда мақсадларнинг ойдин йўлларини очиб берди. Давлатимиз раҳбарининг фармонида кўра, Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, фарзандларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ишларига кўшган катта ҳиссаси, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги самарали меҳнати билан ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётгани учун бир гуруҳ хотин-қизлар фахрий ордени, ордени ва медаллар билан мукофотлангани барча аёлларга чексиз қувонч бағишлади.

Хусусан, қорақалпоғистонлик «Тахиятош иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамияти кимё цехи бошлиғи Зулфия Бабажанова «Меҳнат шухрати» Ўзбекистон давлат филармонияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмасининг «Муҳаллес» дуторчилар ансамбли бахши-созандаси Инжигул Сабурова II даражали «Соғлом авлод учун», Мўйноқ туманидаги 15-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори Айтгул Жолимбетова «Дўстлик» ордени билан, Нукус шаҳридаги «Жайхун универсал курилиш» масъуляти чекланган жамияти кран машинисти Айну Турдимуратова эса «Шухрат» медали билан мукофотланди.

Шунингдек, Қорақалпоқ давлат университетининг 1-босқич магистранти Назоқат Ибрагимова, Нукус давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси Динара Нуратдинова Президентимиз қўлидан Зулфия номидаги Давлат мукофотини олишга муяссар бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг «Ушбу шуқуҳли айёмда бутун халқимиз дилида эзгу тилакларни мужассам қилиб, айтмоқчиман: янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги фидокорона меҳнатингиз учун Сизлардан чексиз миннатдоримиз. Ақл-заковатингиз, меҳр-оқибатингиз, сабру қаноатингиз билан барчамизга ибрат бўлиб, гўзал юртимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни сақлашга беқийё ҳисса қўшиб келаётганингиз учун Сизларга минг бора ташаккур», деб меҳр билан билдирган тилаклари ҳар бир онанинг, хотин-қизларимизнинг қалбига қувват, орзу-мақсадларига қанот, сабр-иродаларига матонат бахш этиши шак-шубҳасиздир.

Гулистан АННАКУЛИЙЕВА,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

# ПОВЫШЕНИЕ ПРАВОВОГО СОЗНАНИЯ И КУЛЬТУРЫ – ВЕЛЕНИЕ ВРЕМЕНИ

*«Какие бы совершенные законы мы ни создавали, какие бы реформы ни проводили, если у наших граждан будет недостаточно правовых знаний и культуры, мы не сможем достичь ожидаемых результатов».*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Эффективность широкомасштабных реформ, осуществляемых в Узбекистане, гарантия мира и прогресса непосредственно связаны с обеспечением верховенства Конституции и закона. Чрезвычайно важной и актуальной задачей становится создание среды, в которой граждане обязаны хорошо знать Конституцию и законы, строго их соблюдать, а руководители, работающие во всех отраслях и сферах, правильно организовывать их исполнение.

Выступая на торжественном собрании, посвященном 27-летию принятия Конституции Республики Узбекистан, Президент Ш. Мирзиёев подчеркнул, что «уважение к Конституции и законам, правовое сознание и культура должны стать правилом жизни для каждого гражданина и критерием деятельности каждого должностного лица».

Воспитание уважения к закону должно начинаться с детства. Усвоение правовых ценностей, норм, стандартов поведения идет в течение всей жизни. В этой связи неопределима роль институтов гражданского общества, к которым относятся семья, махалля, органы самоуправления граждан, политические партии, массовые движения, профессиональные союзы, общественные объединения и фонды, негосударственные некоммерческие организации.

Проведение совместных конференций, «круглых столов», семинаров, встреч с известными людьми, бесплатных юридических консультаций, организованных в результате взаимодействия институтов гражданского общества с органами государственной власти, способствует формированию активной гражданской позиции, сознательного отношения человека к происходящим в стране преобразованиям.

В целях совершенствования работы по повышению уровня правосознания и правовой культуры населения, формированию прочного иммунитета для защиты населения, особенно молодежи, от вредоносной информации был издан Указ Президента Республики Узбекистан «О коренном совершенствовании системы повышения правосознания и правовой культуры в обществе». В соответствии с ним в стране прово-

дится адресная правовая пропаганда, идет усиление роли СМИ в обеспечении населения информацией, расширяется использование современных информационных технологий. Для повышения уровня правосознания

направлении, а также повышению правовой культуры в обществе», была утверждена соответствующая Программа мер.

Сегодня каждый человек должен не только исполнять закон, но и осуществлять общественный контроль над тем, чтобы другие его не нарушали. В практику гражданских институтов, субъектов законодательной инициативы, органов государственного управления и власти всех уровней прочно входит такая форма общественного контроля, как общественное (публичное) обсуждение и экспертиза проектов законодательных актов.

Когда речь заходит о правовой культуре и правовом воспитании, зачастую взоры людей обращаются к правоохранительным органам. Это не случайно. Уважение к закону и его авторитет напрямую зависят от людей, олицетворяющих собой справедливость и безопасность. К

власти они черпают в законе, преданности долгу и справедливости. Именно это укрепляет поддержку и уважение населения. Народ не прощает бестактности, хамства, злоупотреблений властью, грубости и произвола. Об этом должны помнить стражи правопорядка.

Сегодня правоохранительные органы проводят большую работу с населением. Для удобства граждан, сближения ОВД с населением, а также проведения системной работы по борьбе с преступностью и профилактике правонарушений в отдаленных населенных пунктах созданы дополнительные подразделения и ОП ОВД. С учетом нужд населения и криминальной обстановки пересмотрены и изменены дислокации ОП ОВД. Постановлением правительства от 22 февраля 2018 г. введены критерии оценки эффективности деятельности по профилактике правонарушений. В результате реализации реформ уровень преступности существенно снизился.

На сотрудников правоохранительных органов после задержания ими лица возлагается обязанность по незамедлительному уведомлению о его задержании и месте содержания кого-либо из членов его семьи, а при их отсутствии – иных родственников или близких лиц. Начиная с 1 июля 2020 г. факты применения процессуальных принудительных мер, ограничивающих права, в том числе задержания лица, вносятся в единую систему электронного учета. Это

будет способствовать усилению принципов открытости и гласности в системе управления, повседневной деятельности государственных органов, превращению правоохранительных органов в ведомства, служащие интересам народа.

Государственное и общественное развитие требует от всех участников правовых взаимоотношений совершенствования правовой культуры и правовых знаний.

**Каринэ ДЖАВАКОВА,**  
начальник кафедры  
Академии МВД Республики  
Узбекистан,  
доктор философских наук,  
профессор,  
полковник.



организуются системные мероприятия по принципу: личность – семья – махалля – образовательное учреждение – организация – общество».

Для повышения правовой грамотности граждан созданы информационный портал Advice.uz (e-maslahat.uz), сайты, интернет-площадки. В целях совершенствования системы оказания юридической помощи населению заработала неправительственная организация Madad, которая предоставляет бесплатные юридические консультации и разъяснения. В настоящее время офисы Madad находятся в 52 районах страны.

В соответствии с задачами, определенными на торжественном собрании, посвященном 27-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан, согласно постановлению Президента «О дополнительных мерах по обеспечению верховенства Конституции и закона, усилению общественного контроля в данном

примеру, надев форму сотрудника органов внутренних дел, человек становится своеобразным символом государства и закона, поэтому его представления о добре и зле, благородстве и подлости, верности и предательстве становятся делом государственной важности. **Правоохранительные органы наделены большой властью, и силу этой**

взаимоотношений совершенствования правовой культуры и правовых знаний.

ПАМЯТЬ

# «БОЛЬ ДУШИ С ГОДАМИ НЕ УТИХАЕТ...»



Старший лейтенант  
Гайратжон Ташматов



Старший сержант  
Кидирбек Нишанов

– С момента гибели моего мужа прошло почти 12 лет, но боль души с годами не утихает, – рассказывает Рано Миржалиловна Усманова – вдова старшего лейтенанта Гайратжона Ташматова, погибшего в результате тяжелого ранения, полученного в ходе противостояния преступникам 9 мая 2008 года, награжденного посмертно медалью «Жасорат». – Нет ничего тяжелее, чем потеря близкого человека. Но мы – я и мои дети не остались один на один со своим горем. Коллеги супруга, руководство столичного ГУВД, Министерства внутренних дел всегда навещают, помогают в решении насущных проблем, поддерживают морально, приглашают на все торжественные мероприятия. Вновь и вновь убеждаюсь: память о моем муже жива.

Рано Миржалиловна воспитывает сыновей, Бадиуззамона и Темура-Малика, на примере мужества их отца, отдавшего жизнь во имя слу-

жения Родине, говорит, что они должны быть достойны его памяти. Юноши не подводят – прекрасно учатся, постигают знания, приобретают профессию.

– Старший сын – студент второго курса Туринского политехнического университета в г. Ташкенте, младший поступил в Университет мировой экономики и дипломатии, изучает международное право. Я горжусь ими, – говорит Р. Усманова.

В ходе беседы Рано Миржалиловна поделилась тем, что когда несчастье ворвалось в ее семью, она была в отчаянии:

– Однако родители мужа – Гафур ака (ныне покойный) и Инобат опа, как бы тяжело не переживали

Личный состав органов внутренних дел чтит память сотрудников, ценою жизни выполнивших долг перед Отчизной.

Помнить о сослуживцах, героически погибших в борьбе с преступниками, делать все возможное, чтобы их семьи чувствовали помощь и поддержку, – дело чести для нынешнего и последующих поколений стражей правопорядка.

горе сами, всячески поддерживали меня. Они дали мне возможность продолжить заниматься научной деятельностью, преподавать, за что им безмерно благодарна.

Сегодня Рано Миржалиловна кандидат экономических наук, доцент Ташкентского государственного технического университета.

Много теплых слов произнесла Р. Усманова в адрес сотрудников органов внутренних дел, преданно и самоотверженно несущих службу по обеспечению общественной безопасности:

– Как никто понимаю, что профессия стража правопорядка трудна и опасна. Мир и спокойствие иногда



Сын и вдова старшего сержанта  
К. Нишанова.



выразить словами боль моего женского сердца, под которым уже билось сердце нашего еще не родившегося ребенка? Не знаю... Шохида Шарабиддиновна воспитывает прекрасного сына, имя которого символично – Ёдгор.

– Сына назвали в память его отца, – делится Шохида Шарабиддиновна. – Ёдгору скоро исполнится 18 лет. Он учится в Академическом лицее № 1 МВД Республики Узбекистан, мечтает стать, как и его папа, сотрудником органов внутренних дел, стоять на страже безопасности граждан.

После смерти мужа руководство Министерства внутренних дел предложило Ш. Джаримбетовой служить в системе ОВД. Она согласилась, и вот уже 12 лет работает в патрульно-постовой службе Главного управления

обеспечения безопасности на транспорте.

– Благодарна руководству МВД, ГУВД города Ташкента, ГУОБТ за то, что не оставляют без внимания и поддержки членов семей правоохранителей, погибших при исполнении служебных обязанностей. Мы всегда можем рассчитывать на их помощь. И это не просто красивые слова. Недавно с сыном въехали в двухкомнатную квартиру, которую нам предоставили. Каждый праздник наш дом навещают сотрудники подразделения, мои коллеги, – говорит Ш. Джаримбетова. – Отдельно хочу поблагодарить руководство ГУВД города Ташкента за то, что имя отца моего сына увековечено на мемориальной доске у монумента Скорбящей матери. Спасибо за почитание памяти наших близких, павших смертью храбрых.

**Радик ТУМΠΑРОВ,**  
корреспондент  
«На посту».



Мать и вдова старшего лейтенанта Г. Ташматова.

обходятся дорогой ценой. Пусть Всевышний оберегает каждого из них.

Старший сержант Кидирбек Нишанов ушел из жизни в 27 лет. 4 марта 2002 года он погиб при задержании опасных преступников, оставшись до конца верным служебному долгу. Посмертно награжден медалью «Жасорат».

– Мы только-только поженились, были молоды и счастливы, полны надежд и планов. Но судьба распорядилась иначе... – с горечью рассказывает вдова героя Шохида Шарабиддиновна Джаримбетова. – Как можно

**Не умирает только тот, кто в памяти остался как герой.**

Татьяна Соловова.

# ИЛЛАТДАН ЙИРОҚ БЎЛИНГ!

Инсоният XXI асрда кўп-лаб глобал таҳдидларга дуч келмоқда. ОИВ инфекцияси ва ОИТС касаллиги ана шундай умумбашарий муаммолардан биридир. БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича дастури – UNAIDS маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё бўйича 37 миллиондан ортиқ аҳолида ОИВ инфекцияси аниқланган. Жаҳон миқёсидаги ушбу офат нафақат одамлар ҳаётига таҳдид солади, балки жамият ва давлат тараққиёти учун ҳам сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда ОИВ инфекциясининг олдини олиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда, ОИВ инфекциясини юқтириш билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш, бунга имкон бераётган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартавраф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йили сентябрь ойида ИИВ Жиноят қидирув бош бошқармасининг Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш бошқармаси таркибида ОИВ инфекцияларини тарқатишга қарши курашиш бўлими ташкил этилиб, жойларда мазкур хизматнинг бўлим-бўлималари фаолияти йўлга қўйилди. Қисқа вақт мобай-



нида малакали ходимлардан иборат шахсий таркиб жамланиб, моддий-техник база шакллантирилди. Шунингдек, ҳисобот шакллари йўлга қўйилиб, ОИВ инфекциясини тарқатишга мойил шахслар назоратга олинди. Ўтган йилнинг 20–21 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган ўқув семинари ходимларнинг касбий малакасини оширишда муҳим ўрин тутди.

– Маълумки, ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга, – дейди бўлим катта тезкор вакили, майор Регина Ислонбекова. – Шу боис хизмат фаолиятимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратганмиз. Хусусан, 2019 йил 20 августда Ички ишлар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларининг қўшма қаро-

ри қабул қилинган бўлиб, айни пайтда бир қатор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда иш олиб бораётган. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, Иختисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ОИТСга қарши кураш маркази ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари шулар жумласидандир.

Ҳар қандай иллатнинг, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятнинг олдини олишда профилактик тарғибот тадбирлари муҳим ўрин тутуши, шубҳасиз. Шунинг эътиборга олган ҳолда, бўлим ҳамда унинг худудий бўлим-бўлималари томонидан жойларда кўплаб профилактик тадбирлар ўтқа-

зилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида давра суҳбатлари, семинарлар кўринишидаги 15 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Маҳаллаларда, таълим муассасаларида, қорхона ва ташкилотларда ўтказилган мазкур тадбирларда ОИТС касаллиги, шунингдек, ОИВ инфекциясини тарқатиш билан боғлиқ ҳолатлар, бундай ҳолатларга нисбатан жинсий жавобгарлик масаласи ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумотлар берилди. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали 1400 га яқин долзарб мавзуларда чиқишлар қилинган ҳам эътиборлидир.

Таъкидлаш жоизки, амалга оширилаётган ишлар бесағир кетмаёпти. Бўлим хизмат фаолиятини бошлаганига кўп вақт бўлмаган бўлса-да, 2019 йилда ОИВ касаллигини юқтириш билан боғлиқ жинсий ҳолатларни аниқлаш аввалги йилга нисбатан 90 фоизга ортди. Табиийки, аниқланган ҳолатлар юзасидан айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиши таъминланмоқда.

Мана, бир мисол. 1988 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган С.С. исм-

ли аёл турмуши бузилгач, иш топиш ниятида Тошкент шаҳрига келади. Аммо кўп ўтмай енгил табиатли аёллар билан танишади ва пул топишнинг тубан йўлини танлаб, фоҳишалик билан шуғуллана бошлайди. Шу орада кимдандир ОИВ инфекциясини юқтириб олади. Республика ОИТСга қарши кураш маркази томонидан рўйхатга олинади.

Таассуфки, шундан кейин ҳам С.С. носоғлом ҳаёт тарзини олиб бораётгани аниқланди. Ходимларимиз ўтказган тезкор-профилактик тадбирлар натижасида у ОИВ касаллигини юқтириш ёки юқтириш хавфи остида қолдириш жинсий жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида огоҳлантирилганига қарамай, пойтахтимизнинг Яшнобод туманида яшовчи тўрт нафар фуқарога жинсий алоқа пайтида касалликни юқтиргани маълум бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар асосида жиноят иши қўзғатилиб, айни пайтда дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Хулоса сифатида шунини қайд этиш лозимки, ОИВ касаллиги ва ОИТС кишини охир-оқибат туби қўрқинмас чоғга етакловчи иллатдир. Шундай экан, доимо соғлом турмуш тарзига риоя этинг ва бу муҳим иллатдан йироқ бўлинг.

**Шухрат РАДЖАБОВ,**  
подполковник.  
**Камол ОЛЛОЁРОВ,**  
«Postda» мухбири.

## ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

# 50 МЕТР ЧЕКЛОВ, БОДИКАМЕРА ВА ЭЛЕКТРОН БРАСЛЕТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги қароридан ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари белгилаб берилган эди. Жорий йилнинг 5 март куни Вазирлар Маҳкамаси ушбу ҳужжатга мувофиқ, «Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарордан кўзланган асосий мақсад мазкур муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ҳамда бу борадаги илғор ютуқларни уларнинг фаолиятига татбиқ этишдан иборат.

Ҳуқумат қарори билан «Озодликдан маҳрум этиш туридаги жазони ижро этиш муассасалари тўғрисида»-ги низом тасдиқланди. Низомга мувофиқ, жазони ижро этиш муассасаларига қуйидагилар қиради:

- жазони ижро этиш колониялари, шу жумладан, даволаш ҳуқуқи асосидаги;
- тарбия колониялари;
- турмалар;
- маҳкумлар учун ихтисослаштирилган касалхоналар.

Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазоларни ижро этиш муассасаларидан 50 метр масофада маъмурий,



маиший, хўжалик бино ва иншоотлари қурилиши учун ер участкалари ажратилишига, улар ижарага берилишига,

шунингдек, баландлиги 6 метрдан юқори бўлган бино ва иншоотлар қурилишига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, қарор билан 2020–2024 йилларда жазони ижро этиш колонияларининг яшаш ётоқхоналарини кубрик типидagi хоналарга ўтказган ҳолда, уларни босқичма-босқич қуриш ва реконструкция қилиш дастури тасдиқланди.

Мазкур дастурга кўра, белгиланган йилларда 14 та жазони ижро этиш колониясининг жами 60 та яшаш ётоқхонаси кубрик типидagi хоналарга ўзгартириш йўли билан реконструкция қилинади. Учта янги бино қурилади.

Бундан ташқари, 2020 йилда озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазоларни ижро этиш муассасаларини видеокузатув мосламалари ва шахсий видеорегистраторлар



(бодикамералар) билан жиҳозлаш ҳамда пробация хизмати амалиётига электрон браслетларни татбиқ этиш дастури тасдиқланди.

Унга кўра, 18 та жазони ижро этиш колониясида 1833 донна видеокузатув мосламаси ва 36 комплект шахсий видеорегистратор (боди камералар) ўрнатилди.

Шунингдек, пробация хизмати амалиётига жорий йилда уч минг донна электрон браслет татбиқ этилади.

«**Huquqiy axborot**» телеграм канали материаллари асосида тайёрланди.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

**Биз қанчалик мукамал қонунлар яратмайлик, қандай ислохотлар ўтказмайлик, агар фуқароларимизнинг ҳуқуқий билими, онги ва маданияти етарли бўлмаса, кутилган натижаларга эришиш мушкул бўлади.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Халқимизда «Бола бошидан», «Бола азиз, одобни ундан азиз» деган пурмаъно нақллар бор. Бу нақллар асрлар синовидан ўтган ҳақиқатлардир. Шунинг учун ҳам аксар оилаларда фарзанд тарбиясига, унинг одоб-ахлоқига ҳали тили чикмасидан эътибор берилди бошланади.

Масалан, уйга меҳмон келса, ўзимиз кўришиб, сўрашганимиздан кейин, ҳали ақлини танимаган боламизнинг қўлини кўксига қўйиб, унинг тилидан меҳмонга «Ассалому алайкум!» деймиз. Унга кейинроқ муомала, овқатланиш, кўча-қўйда юриш, кўпчилик ичида ўзини тутти одобини ўргатамиз.

Ҳаёт ҳуқуқий маданият алифбосини ҳам бола онгига эртароқ сингдира бориш кераклигини кўрсатмоқда. Чунки ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти талаби шундай. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Ҳуқуқий тарбияни мактабгача таълим тизимидан бошлашимиз, бу борадаги илк кўникмалар она алласи каби фарзандларимиз қалбидан умрбод жой олиши даркор», деб бежиз таъкидлади.

Кейинчалик ҳуқуқий таълим-тарбияни узлуксиз давом эттириш керак. Қонунларнинг қонуни бўлган Конституцияимизни чуқур билмасдан туриб, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳақида гапириш ҳам мумкин эмас. Шу боис Президентимиз юқоридаги маърузасида умумтаълим мактаблари учун «Конституция алифбосини», «Конституция сабоқлари», «Конституция асослари» каби дарсликларни яратиш зарурлигини таъкидлади.

Аҳолининг ҳуқуқий билимини оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқийс. Фақат улар қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини, қонунчиликдаги янгиликларни тезкорлик билан, энг муҳими, содда тилда, қисқа, лўнда қилиб тушунтириб бориши керак. Негаки, бугунги кунда кўпчилик зерикарли мақолаларни ўқимайди, узундан-узоқ шарҳларни ўқишга эринади. Ундан кўра, олди-қочди хабарлар билан танишишни маъқул кўради.

Лекин оддий одамлар ҳам бир ҳақиқатни ёдда тутишлари керак. Маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ўтган аср бошларида айтган «Ҳақ олинур, берилмас» деган гаплари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.



Яъни, ҳақ-ҳуқуқларингиз қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилгани билан, ҳамма идоралар вакиллари ҳам уларни сизга қўшқўллаб тутқазиб қўявермайди. «Бола йиғламаса, она сут бермас» деганларидек, жойи келганда, ҳақ-ҳуқуқингизни талаб қилишингиз ҳам лозим. Бунинг учун эса тегишли қонун ҳужжатларини билишингиз керак.

Айни пайтда медалнинг иккинчи томони ҳам борлигини эсдан чиқариб қўймайлик. Мурожаатларга эътибор кучайганидан фойдаланиб, шу кунларда айрим инсофсиз одамлар ҳақи бўлмаган нарсаларни ҳам талаб қилиб оляпти. Лекин мажбуриятларига келганда, унутиб қўймоқда. Баъзилари эса бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини бузишгача боряпти. Ўз вазифасини бажараётган ички ишлар органлари ходимларини ҳақорат қилаётган, уларнинг қонуний талабларини бажармаётгани етмагандай, бодикамераларини, погонларини юлиб олаётган, ҳатто осойишталик посбонларига қўл кўтаришгача бораётганлар учраб турибди. Ёки мажбурий ижро бюроси ходимларини, «Тез ёрдам» шифокорларини калтаклаётганларнинг қилмишини яна қандай изохлаш мумкин?

Шу ўринда яна бир ҳақиқатни очиқ тан олиш керак. Ички ишлар органларининг айрим ходимлари ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, қонун, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини яхши билмайди. Шунинг учун баъзи ҳолларда вазиятдан чиқа олмай қолишапти. Уларнинг бошқалардан калтак ейишлари обрўларини туширади. Оддий одамларнинг хаёлидан «Ўзини ҳимоя қила олмаяпти, бизларни қандай ҳимоя қила

олади?» деган ўй ўтиши табиий ҳол. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ўзларини, қолаверса, фуқароларни зўравонлардан ҳимоя қилиш учун қонун доирасида ваколатларидан фойдаланишдан чўчимаслиги керак.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Ислохотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим», деди. Хўш, ҳамюртларимиз қачон фаол, ташаббускор бўлади? Қачонки ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксак, виждони уйғоқ бўлса, юраги юрт дарди, ташвиши билан ёнса.

Яна шу Мурожаатномада давлатимиз раҳбари ички ишлар идоралари ҳали халқчил тузилмага, фуқароларнинг чинакам ҳимоячисига айлана олганини афсус билан қайд этди. Ҳақли савол туғилади: «Нега тизимда жиддий ислохотлар амалга оширилаётганига қарамай, кўзланган натижага охиригача эришилмаяпти?» Чунки ҳамма ходимларни ҳам ўзини ислоҳ қиляпти, дея олмаймиз. Киши ўзини ислоҳ қилмас экан, ҳар қанча ислохотлар ўтказилмасин, ташкилий ўзгаришлар қилинмасин, пировард натижага эришиш мушкул.

Хўш, ходим қачон ўзини ислоҳ қила олади? Қачонки замон талабларидан келиб чиқиб, ҳуқуқ ва мажбуриятларини чуқур англаб етса, зиммасидаги вазифаларни, масъулиятни юракдан ҳис этса. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давр талаби эканлигининг долзарблиги, мазмун-моҳияти ҳам шунда.

**Бобомурод ТОШЕВ,**  
«Postda» мухбири.



## ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



– Фуқароларнинг хусусий мурожаати бўйича суд экспертизаси ўтказиш мумкинми?

– Суд экспертизаси – фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юртишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки хунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат. Процессуал қонунчиликка мувофиқ, суд экспертизасини ўтказиш учун терговчининг қарори ёки суднинг ажрими асос бўлиши керак. Шунинг учун фуқароларнинг хусусий мурожаатлари бўйича суд экспертизаси ўтказилмайди.



– ДНК экспертизасини ўтказмоқчи эдим. Айтинг-чи, уни ўтказиш муддатлари қандай?

– «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларига суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг 12-бандига мувофиқ, суд экспертизасини ўтказиш муддатлари унинг мураккаблиги ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўттиз кун доирасида белгиланади.

Ушбу муддат экспертиза муассасаси раҳбари, унинг ўринбосари, лаборатория, бўлим ва бўлинма бошлиғи томонидан суд экспертизасининг ҳажми ва мураккаблигига, шунингдек, суд экспертизасининг иш ҳажмига қараб куйидагича ўзгариши мумкин:

– кам объектли ва мураккаб бўлмаган текширув ўтказишга доир материаллар бўйича ўн кунгача;

– кўп объектли ёки мураккаб текширувлар ўтказишга доир материаллар бўйича йигирма кунгача;

– кўп объектли ва мураккаб текширувлар ўтказишга доир материаллар бўйича ўттиз кунгача бўлган муддатлар белгиланиши мумкин.

Экспертизани ўттиз кун мобайнида бажариш мумкин бўлмаган тақдирда, экспертиза муассасаси раҳбари муддат тугашидан уч кун олдин асосланган хулоса тузади ва бу ҳақда суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га ёзма равишда хабар қилади ҳамда улар билан келишган ҳолда қўшимча муддатни белгилайди.

Агар суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) билан келишган ҳолда, суд экспертизасини ўтказиш учун қўшимча муддатни белгиланиши имкони бўлмаса, суд экспертизаси ўтказилмаслиги сабаблари кўрсатилиб, материаллар суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га қайтариллади.

«Huquqiy axborot» telegram kanali maълumotlaridan fойдаланилди.

Донолар  
бисотидан

Ёки илмни бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл,  
лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма,  
чунки касодга учраб ҳалок бўласан (жувонмарг бўласан).

Маҳмуд  
аз-Замашарий

## ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:

## ВСТРЕЧА С МОЛОДЕЖЬЮ

С почтением и уважением относятся к старшему поколению представители Военно-технического института Национальной гвардии Республики Узбекистан.

В Академическом лицее при Ташкентской медицинской академии, расположенной в Алмазарском районе столицы, прошла «Встреча трех поколений». В ней участвовали курсанты ВТИ, военнослужащие, учащиеся Республиканского специализированного музыкального

академического лицея и Военно-академического лицея «Темурбеклар мактаби» при Национальной гвардии.

Почетным гостем мероприятия стал участник Второй мировой войны, ветеран трудового фронта, 98-летний Аббас Аппанов.



Ветеран вспоминал о тяготах военных лет и радовался спокойствию, царящему в настоящее время в стране. Участники встречи отметили огромный вклад ветеранов Второй мировой войны в Победу и наше сегодняшнее благополучие.

В завершение встречи прозвучали музыкальные номера, подготовленные одаренной молодежью, а Аббас Аппанов получил в дар портрет, написанный талантливыми военнослужащими.

## 5 000 ШАГОВ НА ПУТИ К ЗДОРОВЬЮ

Особое внимание в нашей стране уделяется охране здоровья, повышению уровня медицинской и санитарно-гигиенической культуры среди населения.



В целях пропаганды здорового образа жизни, по инициативе командирования Национальной гвардии совместно с хокимиятом Учтепинского района и ГУВД г. Ташкента была проведена акция «5 тысяч шагов».

Во время встречи с жителями Яшнабадского района столицы Президент подчеркнул, что надо утверждать здоровый образ жизни, правильно питаться, заниматься спортом. Исходя из этого, каждый человек должен пройти в сутки не менее 5 тысяч шагов для поддержания хорошей формы, независимо от возраста.

Физическая активность очень полезна для формирования иммунитета. Ходьба – самый безопасный и доступный из всех видов спорта. По мнению специалистов, всего лишь 2,5 часа физической активности в неделю снижают преждевременную смертность на 28 процентов, а риск сердечно-сосудистых заболеваний – на 20 процентов. Именно поэтому к участию в марафоне было привлечено большое количество людей.

Для сторонников здорового образа жизни была также организована концертная программа в Экопарке Учтепинского района.

БУДЬ ОБРАЗЦОМ  
ДЛЯ ПОДРАЖАНИЯ

По инициативе Управления Национальной гвардии Республики Узбекистан по Сурхандарьинской области, временно неработающая молодежь, проживающая в городе Термезе, была привлечена к ночному патрулированию. Юноши несли службу совместно с военнослужащими Национальной гвардии и сотрудниками ППС УВД Хорезмской области.

– Некоторые правонарушения совершаются в ночное время суток временно неработающей молодежью, – говорит начальник Управления Национальной гвардии по Сурхандарьинской области Ш. Саидов. – Именно эту категорию молодых людей мы решили привлечь в воспитательных целях к ночному патрулированию. Теперь они участвуют в охране правопорядка на территории махалли и вносят свой вклад в то, чтобы на их малой родине не совершались преступления.

Группа патрулирования в составе военнослужащих Национальной гвардии, сотрудников ППС и временно неработающей молодежи совместно провели обход улиц махалли Узбекистан, территорий, прилегающих к жилым домам. Наблюдая за поведением жителей, они отмечали тех, кто склонен к совершению правонарушений, и проводили с ними профилактические беседы.

– Мы поняли, насколько сложна и ответственна служба сотрудников правоохранительных органов, – говорит житель махалли Узбекистан Ш. Рахманов. – Каждый из нас должен помогать охранять общественный порядок. Я обязательно поделюсь впечатлениями со сверстниками и постараюсь донести до них мысль о том, что в нашей махалле не должны иметь место правонарушения.

## НОВЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ

Структурные и региональные подразделения Национальной гвардии Республики Узбекистан организовали мероприятия, направленные на реализацию пяти важнейших инициатив Президента.

В частности, по инициативе Управлений Национальной гвардии по Навоийской, Бухарской, Ташкентской, Джизакской, Сурхандарьинской областям и городу Ташкенту,



а также Службы охраны, были проведены мероприятия под девизами: «Все в твоих руках», «Пять инициатив – пять возможностей», «Книга создает чудо», «Мы дети великой страны», «Национальная гвардия и молодежь».

Юноши и девушки, проявившие активность во время их проведения, были награждены памятными подарками.

Нафосат ЗАФАРОВА.

СРЕДА – ДЕНЬ БЕЗОПАСНОСТИ НА ЖЕЛЕЗНОЙ ДОРОГЕ

## Осуществляются важные задачи

В целях обеспечения безопасности и своевременного предупреждения правонарушений на транспортных объектах Министерство внутренних дел республики и акционерное общество «Узбекистон темир йўллари» приняли совместное решение об осуществлении по средам целенаправленных профилактических мероприятий.

С начала 2019 года по средам еженедельно проводится разъяснительная работа по предупреждению нарушений установленных правил поведения на железной дороге, недопущению возведения незаконных построек вблизи железнодорожных путей, запрету на выброс мусора на рельсы среди населения, проживающего вблизи железнодорожного полотна. Проводятся рейды, по

итогах которых в соответствии с выявленными недостатками оформляются специальные предписания и рекомендации, направляемые затем в соответствующие ведомства. В школах проводятся встречи с учениками, в ходе которых им объясняют, как надо вести себя возле железной дороги.

— Наше подразделение осуществляет целенаправленные мероприятия в рамках дня

безопасности на железной дороге, — рассказывает заместитель начальника Управления обеспечения безопасности на транспорте УВД Наманганской области по воспитательной работе подполковник Хайрулло Бустанкулов. — Они служат одной цели: предупреждению правонарушений и нежелательных ситуаций. Предпринимаемые меры дают результаты, многие показатели улучшены. Но наши жители продолжают пасти скот, а дети — играть в опасной близости от железной дороги. Это вызывает тревогу. Поэтому регулярно проводим встречи с жителями махаллей, учащимися образовательных учреждений. Люди должны понимать, что это делается для их блага.

Безопасность на 215 километрах, пролегающих по территории двух вокзалов, аэропорта, восьми городов и районов, обеспечивают шесть инспек-



торов профилактики, каждый отвечает за свой участок. К примеру, протяженность пути от станции Пап до вокзала г. Намангана составляет 75 километров.

В подразделении функционируют отделения: патрульно-постовое, следствия, уголовного розыска, кадров, охраны общественного порядка.

В начале 2020 года в ходе оперативных мероприятий, проведенных сотрудниками подразделения, на территории МСГ «Гишткуприк» был остановлен подозрительный мужчина. При проверке выяснилось, что это житель города Намангана Г. Л. У него был обнаружен бумажный сверток

с веществом, имеющим специфический запах. Подобный случай произошел и на территории Чустского района, где сотрудниками уголовного розыска подразделения был задержан житель МСГ «Олмос» П. Б. В заднем кармане брюк в целлофановом пакете он прятал вещество со специфическим запахом. В обоих случаях экспертизой было установлено, что изъятым веществом была марихуана. По данным фактам возбуждено уголовное дело, в настоящее время ведется следствие.

**Азиза ЖАНИЕВА,**  
корреспондент  
«На посту».

Наманганская область.



ОСТОРОЖНО: МОШЕННИКИ!

## Аферы с трудоустройством за границей

Желание некоторых сограждан уехать за рубеж на заработки не теряет актуальности. Люди идут на риск, доверяя свое будущее неизвестным лицам. Ежегодно в УКД ОВД г. Самарканда поступают десятки заявлений, связанных с мошенническими действиями отдельных недобросовестных частных агентств.

В Узбекистане в 2018 году был подписан Закон «О частных агентствах занятости», который разрешил представителям частных компаний заниматься трудоустройством узбекистанцев за рубежом. Лицензии выдает Минтруд.

За этот период 88 юридических лиц прошли регистрацию, 65 из них выданы лицензии для осуществления деятельности по трудоустройству граждан за рубежом, в настоящее время осуществляют деятельность 59 подобных фирм. Девять частных агентств и два филиала компаний, занимающихся трудоустройством за рубежом, действуют в Самаркандской области. Среди них, увы, есть откровенные мошенники, которые наживаются на потенциальных работников.

36-летний Эркин Ш. из махалли Зардузлик попался на уловки мошенников, предложивших ему работу в США.

В 1997 году в семье случилось горе — от сердечного приступа скончался отец. Тогда Эркину исполнилось 14 лет. В семье было еще четверо детей. Отец — единственный кормилец,

ушел из жизни, мать была больна.

— Меня одолевала мысль о том, где достать деньги на лечение матери, — говорит Эркин Ш. — Аттестат о среднем образовании я не получил. Мне приходилось подрабатывать разнорабочим. В какой-то момент решил уехать на заработки. В результате устроился на завод по производству пластиковых окон и дверей в Южной Корее. Работа тяжелая, приходилось по 12 часов в сутки находиться за станком, повсюду стоял едкий запах пластика.

На протяжении семи лет Эркин Ш. работал на заводе. В 2012 году он вернулся в Самарканд. На заработанные деньги купил дом, неподалеку от родительского, приобрел автомобиль, выдал замуж сестренку и сам обзавелся семьей. Когда закончились деньги, снова начал думать о том, где их достать.

— Я всегда брался за то, что предлагают, — говорит Эркин. — По рекомендации соседа устроился на Тайлакский кирпичный завод, проработал там четыре года и снова начал задумываться о поездке за рубеж. Мой коллега предложил обратиться к его знакомому, который работает в

частном агентстве занятости. Так мы познакомилась с Маратом (имя изменено). Он сказал, что офис агентства находится в Таджикистане, но готов помочь в оформлении трудовой визы в США.

Представитель агентства предложил молодым людям уехать в Америку, получив либо гражданство Финляндии, либо рабочую визу на 5 лет. Стоимость первой услуги равнялась 25 000 долларов США, второй — 35 000 долларов США. Для начала ребятам нужно было направиться в Индию. Буквально за три дня им удалось оформить визу. Купив билет, молодые люди отправились charterным рейсом через Казахстан в Дели, где их должен был встретить человек, чтобы переправить затем в Нью-Йорк. Но их встретил сотрудник полиции. Выяснилось, что выданная виза оказалась фальшивой. Прдержав несколько дней в заключении, их депортировали на родину.

Вернувшись в Самарканд, мужчины потребовали у посредника возврата денег, но Марат предложил воспользоваться еще одним шансом — полететь в Штаты через Турцию. Эркин Ш. вновь решил рискнуть, и снова просидел несколько суток под арестом, только в Турции. Вернувшись домой, он написал заявление в правоохранительные органы. Сейчас идет следствие.

— Основная часть обращающихся в Агентство по внешней трудовой миграции — мужчины, желающие уехать на заработки в Южную Корею, — поясняет директор областного филиала Агентства по внешней трудовой миграции Абдуазиз Хафизов. — Нами были заключены договора с производственными предприятиями этой страны, выделено 3 200 квот для граждан Узбекистана. Но для трудоустройства существуют специальные требования: возраст, знание языка и наличие профессионального опыта. Мы проводим тестирование наших соотечественников, но отбор осуществляют корейские специалисты. Непосредственно хотел бы обратиться к нашим гражданам, которые ищут работу за рубежом. Если вам предлагают оплатить консультационные услуги, оформление документов, их пересылку работодателю и тому подобное — это повод усомниться в надежности агентства. Каждый человек должен сам оформить визу и лично встретиться с консулом. На какие бы связи ни ссылались мошенники, порядок получения визы не имеет исключений.

**Анжелика ИБАДОВА,**  
старший следователь  
УКД ОВД г. Самарканда,  
майор.

Самаркандская область.

ОРОЛ ДАРДИ – ОЛАМ ДАРДИ

# АСОСИЙ МАҚСАД – ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

## Денгиз қуришининг оқибатлари

Давримизнинг энг муҳим муаммолардан бири, шубҳасиз, Орол денгизининг қуриши ва унинг оқибатида экологик тизимнинг издан чиқишидир. Бир пайтлар кўллар ичида катталиги жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринда турган сув ҳавзасининг ҳозирга келиб аянчи кўринишга келиб қолгани барчани ташвишга солмоқда. Чунки 1911–1962 йилларда Орол денгизи сатҳининг энг юқори нуқтаси 53,4 метрни, сувнинг ҳажми эса 1083 куб километрни ташкил этган. Аммо сўнгги 50 йил мобайнида сувнинг сатҳи 29 метрга, ҳажми эса 13 мартага камайди. Бу эса 6 миллион гектар тузли қум майдонининг пайдо бўлишига олиб келди.


Мутахассисларнинг айтишича, Орол атрофидан ҳар йили атмосферага 15–75 миллион тонна чанг ва туз кўтарилар экан. Бунинг оқибатида кенлиги 40 километр, узунлиги эса 400 километрга етадиган тузли чанг тўфонлари Оролдан ўнлаб, ҳатто юзлаб километр масофагача тарқалиб, табиий ўтлоқлар, экинзорлар, боғлар ҳамда шаҳар ва қишлоқлар устига ёғилмоқда. Бу чанглар Тяньшан ва Помир тоғлари чўққиларига етиб бориб, ундаги музликларнинг эришини ҳам тезлаштириб юбораётгани таъкидланмоқда. Шунингдек, чўлланиш ва шўрланишнинг тезлашуви натижасида сўнгги йиллар давомида 50 минг гектарга яқин экин майдони фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиб қолди.

Эндиликда мазкур муаммо нафақат Марказий Осиё минтақаси аҳолисина, балки дунё жамоатчилигини ташвишга солмоқда. Чунки тупроқнинг шўрланиши, саҳроланиш жараёнининг тезлашиши ҳамда сув ресурсларининг ифлосланиши ва тоза ичимлик суви тақчиллигининг ортиб бориши ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайди. Айниқса, атмосфера ҳавосининг қумли ва тузли бўронлар таъсирида ифлосланиши туфайли биологик хилма-хиллик кескин камайиб бораёттир. Энг ачинарлиси Орол денгизининг қуриши натижасида табиий иқлим ўзгариб, минтақада жиддий ижтимоий-экологик вазият юзага келмоқда. Табиийки, бу жараёнлар аҳоли саломатлигига, хусусан, аёллар ва болалар соғлиғига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмаяпти. Шу билан бирга, аҳоли ўртасида атроф-муҳит билан боғлиқ турли касалликларнинг ҳам келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, ушбу ҳудуд генофондининг ҳам салбий ўзгариш тенденцияси кўзга ташланаёттир.

## Муаммони бартараф этиш йўлида

Мазкур экологик вазиятни соғломлаштириш мақсадида мамлакатимиздаги сув таъминоти ва санитария ҳолатини яхшилашга йўналтирилган бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Зеро, ҳаётнинг ўзи мазкур муаммоларни нафақат минтақа миқёсида, балки кенг жамоатчилик иштирокида ўрганиб, уни бартараф этишни тақозо этмоқда.

Орол денгизининг бундай қуришига келишига асосий сабаблар



1989

2014

сифатида собиқ иттифоқ даврида амалга оширилган қишлоқ хўжалиги фаолияти, ирригация тизимларини қуриш, сувдан маиший ва саноат соҳасида фойдаланиш эҳтиёжининг ортиб бориши ҳамда яна бир қатор шунга ўхшаш омилларни кўрсатиши мумкин. Бу каби салбий жараёнлар бугунги кунда ҳеч биримизни ўйлантирмасдан қўймайди.

Шу боисдан ҳам юртимиздаги экологик барқарорликни таъминлаш ва жиддий хавф-хатарнинг олдини олиш борасида давлатимиз томонидан кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Уларнинг аксарияти Орол

Жумладан, юқоридаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан ҳукуратимиз томонидан Орол денгизи ҳавзасидаги экологик вазиятни ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Орол фожиаси бутун дунё томонидан аллақачон глобал муаммолардан бири сифатида тан олинди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида жаҳон ҳамжамиятининг нигоҳини Орол фожиасига қаратган эди.

Бугунги кунда ушбу экологик инқироз оқибатларини бартараф этишга



денгизи минтақасидаги ҳудудларда экологик вазиятни яхшилаш, ер ўприлишининг олдини олиш ва қишлоқ хўжалиги салоҳиятини янада ошириш ҳамда аҳолини соғломлаштириш ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш сингари устувор вазифаларга қаратилган.

қаратилган саяё-ҳаракатларни бирлаштириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Хусусан, жорий йилнинг 24 январь куни мамлакатимиз Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам «Орол муаммосини ҳал этишда халқаро ҳамкор-

ликни кучайтириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан тузилган Орол денгизи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фондига катта ишонч билан қараймиз», дея таъкидлади.

Энг қувонарлиси, Нукус шаҳридан 400 километр олисдаги Возрождение оролидан ичишга яроқли сувнинг топилиши бўлди. Чўчук сув манбаси Жанубий Орол олди артезиан ҳавзасининг бўр даври ётқизикларида, яъни 260–280 метр чуқурликда аниқланган. Шунингдек, Орол бўйи даля гидрогеологик экспедицияси томонидан Мўйноқ тумани ҳудудидаги Сурғил, Ахантай текисликлари ҳамда Возрождение оролида яна 40 та сув кўзларини очиш режалаштирилган. Шу билан бирга, ўтган мавсумда Орол тубидаги 500 минг гектарга яқин ер яшил майдонга айлантирилди. Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмасига биноан бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш Фавқулодда вазиятлар вазирлигига топширилган эди.

Эндиликда мазкур вазирлик ва Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамкорлигида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бу йил ҳам 700 минг гектар ерни кўкаламзорлаштириш режалаштирилиб, у ерга саксовул, қандим ва бошқа чўл ўсимликларини экиш мўлжалланган эди. Ҳозирда ушбу ишларнинг асосий қисми бажарилди. Яна 3 гектар майдонда яшил воҳа ташкил этиляпти. Шўрланган тупроқда ўсимликларнинг яшовчанлигини оширишга қаратилган ўзбек олимларининг янги илмий изланишлари ҳам бу жараёнга таъбиқ этилмоқда. Шу билан бирга, маҳаллий чорвачиликни ривожлантириш бўйича ҳам бир қатор саяё-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, параллел равишда махсус боғларда ўстирилган қўчқарлар ҳам экилиб, ушбу минтақага минглаб техника ва мутахассислар жалб қилинаёттир.

## Хулоса

Қисқа қилиб айтганда, барчамизнинг бугунги кундаги асосий мақсадимиз қуриб бораётган Орол денгизини сақлаб қолиш ҳамда унинг экологик хавфини камайитириш орқали мазкур ҳудудда яшовчи аҳолининг ижтимоий ҳаётини янада яхшилашдан иборатдир. Бу борада жамиятимизда экологик маданият ва экологик онгни ривожлантириш нафақат табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотларнинг, балки ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

«Postda» муҳбири Михли САФАРОВ тайёрлади.



# ТИЛИНИ АСРАГАН – ЭЛИНИ АСРАЙДИ

Хар бир миллатнинг Ер юзиде миллат сифатида борлигини, унинг ўтмиши, бугуни ва келажигини ифодаловчи восита, шубҳасиз, унинг она тилидир. Зеро, халқимизнинг сеvimли адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ўзининг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» китобида ёзганидек: «...одам она тилида тафаккур қилади, она тилида туш кўради, она тилида йиғлайди... ўлим олдида онасини она тилида йўқлайди...»

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига ўттиз йил бўлди. Ўтган вақт оралиғида тилимизнинг софлигини асраш, уни ривожлантириш, бор гўзаллиги ва жозибаси билан келажак авлодга етказиш хусусида кўп айтилди. Амалда эса, асарият давлат идораларидаги ёзишмалар, хат-ҳужжатлар рус тилида юритилиши давом этди. Очигини айтганда, биз ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган сана арафасида ва байрам кунлари тил мавзусида гапиришга, турли маънавий тадбирлар уюштиришга оdatланиб қолгандик.

Ўтган йилнинг 21 октябры кунин Президентимизнинг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маънеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон

Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Тараққиёт стратегияси» маркази ва кенг жамоатчиликнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун — 21 октябры санасини «Ўзбек тили байрами кунин» деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди. Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти тузилди. Шунингдек, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя қилиш, иш юритишни давлат тилида ташкил этишга биринчи раҳбарларнинг шахсан масъул эканлиги белгиланиб, барча давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликларида раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари

бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.

Ички ишлар органлари тизимида ҳам мазкур йўналиш бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилиб, унинг функционал вазифалари ҳамда ушбу масала юзасидан вазирликнинг ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар белгиланди.

Келгусида барча ички ишлар органлари, ҳарбий қисмлар ва таълим муассасаларида малакали ходимлар ва мутахассислардан иборат таркибда ишчи гуруҳлар тузилиб, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, тегишли буйруқ, фармойиш, кўрсатма ва дастурларнинг давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мослиги бўйича тўлиқ хатловдан ўтказилади. Заруратга қараб, ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади. Хар бир ички ишлар органи, департамент, бош бошқарма, бошқарма, мустақил бўлим, ҳарбий қисмлар ва таълим муассасаларида ҳамда ҳудудий бўлинмаларда ҳужжатларнинг давлат тилида қатъий юритилишини таъминлаш ишларига масъул ходим бириктирилади. Тайёрланаётган хар бир ҳужжатнинг давлат тили тўғрисидаги

қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги у томонидан текширилиб, имзоланганидан сўнг раҳбар томонидан имзоланиши ва ижрога қаратилиши тизими йўлга қўйилади.

Бугунги кунда ички ишлар органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга бир қатор давлат хизматлари кўрсатилиб, фуқароларга тегишли маълумотнома, руҳсатнома, гувоҳнома ва қайд варақалари берилади. Келгусида бу жараёнда ҳам сўралган маълумотларнинг, аввало, давлат тилида тақдим этилишига, заруратга қараб, бошқа тилларга таржима қилинишига қатъий риоя қилиш мақсадга мувофиқ.

Шахсий таркибнинг ўзбек тили бўйича билиминини ошириш борасида ҳам қатор ташкилий, амалий чора-тадбирларни бажариш лозим. Хусусан, бундан буён ходимларни навбатдаги ва навбатдан ташқари аттестациядан ўтказиш жараёнида давлат тилини қай даражада билишига, нутқий маҳорати ҳамда муомала маданиятига алоҳида эътибор қаратилиши шахсий таркибнинг бу борадаги билимларини оширишга, ўз устида ишлашига туртки бўлади. Қолаверса, барча ички ишлар органлари, ҳарбий қисмлар ва таълим муассасаларида буюк аллома-

ларимиз ҳақидаги бадий ва ҳужжатли фильмлар намойишларини уюштириб, янги китоблар тақдимотларини ўтказиш, «Тилини асраган – элини асрайди» мавзусида маданий-маърифий тадбирлар ҳамда таълим муассасалари тингловчилари, академик лицейлар ўқувчилари ўртасида ўзбек тили мавзусида иншолар танловларини ташкил этиш ижобий самара бериши, шубҳасиз.

Тизимда мавжуд бўлган, бошқа тиллардан кириб келган сўз ва атамалар, сафда юриш қоидаларига оид буйруқ ҳамда чақирикларнинг муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш ҳам муҳим масалалардан бири саналади. Бу борада вазирлик Академияси томонидан иланишлар олиб борилиши ва илмий асосланган таклифлар киритилиши лозим.

Энг асосийси, бугунги шиддатли замонда хар бир халқ, хар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаши, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаши ва ривожлантириши муҳим эканлигини унутмаслик зарур.

Хуршидбек РЎЗИЕВ,  
майор.

## КЎРГАНЛАРИМ, КЎЙГАНЛАРИМ...

Халқаро анжуман бўлапти. Зал тўла: турк, хитой, рус, тожик, кирғиз, қозоқ, озарбайжон давлатларининг таълим муассасаларидан келган профессорлар, элчилар, халқаро ташкилотлар вакиллари, ўқитувчилар ва талабалар. Дастлаб таълим муассасаси раҳбари, ундан кейин шу муассасаси алоқадор вазирлик катталаридан бири бири-кетин чиқиб, ўзи ўзбек, Ўзбекистонда бўлса-да, рус тилида нутқ ирод этишди. Майли-да, ахир, меҳмонларнинг хурмати бор. Келганларнинг кўпчилиги рус тилини яхши билишади. Агар ўзбек тилида гапиришса, улар тушунмай қолиши мумкин-да.

Навбат элчига келди. У шундай қикди-да, рус, инглиз ёки турк тилида эмас, ўзбек тилида ўз нутқини бошлади. Ухлаб қолганлар кўзини очди, зериканлар сергақланди. Ундан кейин миллати турк бўлган халқаро ташкилот раҳбари сўз олди. У ҳам ўзбек тилида гапирди. Европанинг қайсидир бир давлатидан бўлган хоризмлик мутахассисга фурсат етди. У минбарга чикди-да, шундай деди: «Мен ўзбек тилида гапирман». Зал яна қалқиди. Қарсак садолари анча вақтгача тинмади. Миллати ё инглиз, ё француз бўлган бу хоризмлик нақ ўн беш дақиқа ўзбек тилида маъруза қилди. Яна давомли қарсаклар... Зарилми шундай қилиш, ухлаганларни тургазиш, зерикшидан телефон ўйнаб ўтирганларни ҳаяжонлантириш. Шу давлатнинг каттақонлари ўз давлати тилидан уялиб, бошқа тилда гапиргандан кейин сен ҳам ўз тилингда гапириб қўйсанг бўлаверарди-ку...

...Автобуста кетаётим мактабдан неварасини олиб қайтаётган рус миллатига мансуб онахоннинг гапларини эшитиб қолдим. Неvara рус мактабиде ўзбек тилидан дарс ўтадиган ўқитувчисининг баҳо қўймаётганини, дарсни яхши ўзлаштирмагани учун дақиқи эшитаетганини айтиб қолди. Буви неварасига шундай бир маслаҳат берди: «Ўша устозингга айтмадингми, менга ўзбек тили нимага керак, бошимга уранамми, деб. Ҳаётда ўзбек тили менга нима беради демадингми». Тўппа-тўғри айтасиз, бабуля. Рус тилини билса бўлди-да, ўзбек тили унга нимага керак? Ўзбекистонда давлат тили ўзбек тили бўлса-да, кўпчилик идоралар рус тилида иш олиб боргандан, ҳамма жойда, пештоқларда, эълонларда, ҳатто ўзбек тилида олиб бориладиган кўрсатувлар номларида ҳам хар хил тиллардаги ёзувлар қалашиб ётгандан кейин бу тили неварангиз бошига урадимми?

...Кўп қаватли уй олдида ободончилик ва тозалик бўйича мажлис бошланди. Уйбоши ундай қилишимиз керак, бундай қилсак яхши бўлади, деб турганди, ўтирганлар орасидан бошқа миллатга оид бир кекса ўрнидан туриб, «Мен ҳеч нарсани тушунмаяпман, рус тилида гапиринг», деди. «Домком» русчани ҳамма билади-ку, русча гапиривераман унда, деди. Ҳеч ким эътироз билдирмади. Майли-да,

ахир, бабуля давлат тилини билмас экан, кексаларнинг хурмати бор. Мажлис рус тилида давом этди. Ваҳоланки, 40 нафарга яқин одам орасида икки нафар бошқа миллат вакили бор эди. Жуда бағрикенг, кўнгли очик миллатмиз-да.

...Олий маълумотли укам иш излаб бир неча идора эшигини қокди. Яқинда яхши бир ишнинг дарагини эшитиб, қанот чиқариб, учиб борди-ю, дарров изига қайтди. Рус тилини билмагани учун уларга тўғри келмабди. Унга айтгандим, шу тилни ўрган, унда кўп нарса бор, деб. Мана, оқибат. Эълонларга қараб ҳам шу тилни билмаса узоққа бормаслигини англаса бўларди-ку, болапақир. «...иш бор, фақат рус тилини билиши шарт», «...администратор, знание русского языка». Укам оғринди: «Ишга киришда ўзбек тили ҳеч қандай роль ўйнамайди, бу тилни билмасанг ҳам бўлаверар экан. Эй, ишга олувчиларнинг ҳеч бири номзод ўзбек тилини билиши шарт, демайди. Гўёки ҳамма давлат тилини биладигандек, аммо-лекин кўчада ўзбекча гапиргандан русча бидир-бидир қилган кўп. Фирт ўзбегиям русча-ўзбекча сондирайди. Ука, мана энди мянган ишлаяпти. Узоққа бораман, десанг, русча ўрган, болангни ҳам рус мактабига бер...»

Фозил МАМАШАРИПОВ,  
«Postda» мухбири.

# ДЕТЯМ ЗНАТЬ ПОЛОЖЕНО



Делаем ребятам предостережение:  
Выучите срочно правила движения,  
Чтоб не волновались каждый день родители,  
Чтоб спокойно мчались улицей водители!



## СВЕТОФОР

Если красный свет горит,  
Это значит путь закрыт!  
С великаном добрым схожий,  
Знай: три глаза у него –  
Не боятся никого.

Утром, днём, в ночную тьму  
Все горят по одному.  
И у каждого – свой цвет,  
Чтоб в пути нам дать совет.

Если жёлтый свет горит –  
Приготовиться велит,  
На зеленый нам – идти,  
Всем счастливого пути!


А зажжётся красный вдруг –  
Подожди немного, друг!  
Торопыгой вредно быть,  
Надо жизнью дорожить!

Друг зовётся «светофор»,  
Бессловесный разговор  
Он давно с людьми ведёт,  
Никогда не подведёт.

Его мы слушаться должны –  
И нам дороги не страшны!

## Кроссворд

- Полосатая лошадка,  
Её зеброю зовут,  
Но не та, что в зоопарке –  
По ней люди все идут.
- Полосатая указка,  
Словно палочка из сказки.
- Дом чудесный – бегунок  
На своей восьмёрке ног  
Бегаёт аллейкой  
По остальным двум змейкам.
- Вот так чудо-чудеса!  
Подо мной два колеса.  
Я ногами их верчу,  
И качу, качу, качу.
- По обочине дороги,  
Как солдатики стоят.  
Все мы с вами выполняем  
Всё что нам они велят.
- Не живая, а идёт.  
Неподвижна, а ведёт.
- Чтоб тебе помочь  
Путь пройти опасный,  
Горят и день, и ночь –  
Зелёный, жёлтый, красный.
- Маленький, удаленький  
Громче всех кричит.
- Дом по улице идёт,  
На работу нас везёт,  
Не на курьих ножках,  
А в резиновых сапожках.
- Пьёт бензин, как молоко,  
Может бегать далеко.
- В черных шашечках машина,  
Зря не пьет она бензина.  
Всех домчит – лишь попроси.  
Как зовут ее?



## ПРАВИЛА ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ

**Пешеходный переход**  
От беды уберёжёт!  
Все дороги на пути  
По нему переходи!

**Первым делом нужно нам**  
Посмотреть по сторонам:  
Слева, справа путь свободен?  
Значит, смело переходим!

**Не перебегай дорогу,**  
Лучше подожди немного  
И машину пропусти!  
Лишь потом переходи!

**Вот зелёный свет зовёт**  
Смело двигаться вперёд.  
Ныне главный – пешеход,  
А потом – машин черёд!

**Вот зажгётся красный свет.**  
Говорит: «Дороги нет!»  
Не бегите, не спешите,  
Свет зелёный подождите!»

**Никогда не забывай:**  
На дороге – не играй!  
Здесь опасно заезжаться!  
Здесь не место баловаться!

## Тротуар

В городе нельзя свободно  
Бегать, как и где решил.  
Тротуар – для пешеходов,  
А дорога – для машин!

## Если нет тротуара

Тротуар не бесконечен.  
Если с ним не по пути,  
Можно транспорту навстречу  
По обочине идти.



## РЕБУС



Всем знакомые полоски  
Знают дети, знает взрослый,  
На ту сторону ведёт ...  
(ооххдди пичнодхеттП)



С тротуара вниз ведёт  
Под дорогу длинный вход.  
Нет ни двери, ни ворот –  
То...  
(ооххдди пичнодхеттП)



Эй, водитель, осторожно,  
Ехать быстро невозможно,  
Знают люди все на свете –  
В этом месте ходят...  
(ПттП)

## ЗАГАДКИ О ДОРОЖНЫХ ЗНАКАХ



Дорогие мальчики и девочки! Присылайте нам ваши рисунки на тему соблюдения Правил дорожного движения. Лучшие работы будут опубликованы в ближайших номерах газеты.

ЗНАЙТЕ СВОИ ПРАВА

## ЖЕНЩИН, СТАВШИХ ЖЕРТВАМИ НАСИЛИЯ, ЗАЩИТИТ ОРДЕР

В целях реализации Закона «О защите женщин от притеснения и насилия» постановлением Кабинета Министров «О мерах по совершенствованию системы защиты женщин и девушек от притеснения и насилия» от 4 января 2020 года утвержден ряд документов, необходимых для обеспечения безопасности женщин. В частности, разработан порядок получения охрannого ордера, предоставляющего государственную защиту женщинам и девушкам, пострадавшим от притеснения и насилия.

Охранный ордер дает возможность обеспечить безопасность женщины и ее несовершеннолетних детей. Его основное назначение – предотвратить тяжёлые последствия, которые могут возникнуть на фоне домашнего насилия.

Охранный ордер – документ, предоставляющий защиту жертве притеснения и насилия, влекущий применение определенных мер воздействия к лицу или группе лиц, притесняющих женщину или совершивших в отношении них насилие. Он выдается жертве притеснения и насилия. Лицу, совершив-

шему притеснение и (или) насилие, либо склонному к их совершению, выдается экземпляр охрannого ордера.

Должностное лицо органов внутренних дел, выдавшее охранный ордер, информирует лицо, совершившее притеснение и насилие, об условиях охрannого ордера и последствиях их неисполнения и о необходимости прохождения коррекционных программ по изменению насильственного поведения.

При отказе лица подписать соответствующий документ о получении охрannого ордера должностным

лицом органов внутренних дел, вручающим охранный ордер, составляется акт с участием понятых.

Охранный ордер выдается в течение 24 часов с момента установления факта притеснения и насилия, или угрозы их совершения, должностным лицом органов внутренних дел, ответственным за осуществление индивидуальной профилактики притеснения и насилия на соответствующей территории, сроком до тридцати дней и вступает в силу с момента оформления.

По заявлению жертвы притеснения и насилия, если угроза еще не была устранена, срок действия охрannого ордера продлевается не более чем на 30 дней.

Выдача, продление охрannого ордера или отказ в выдаче или продлении охрannого ордера могут быть обжалованы в суде.

Контроль над исполнением требований охрannого ордера осуществляется

органом внутренних дел, его выдавшим.

В охрannом ордере указываются: дата и место его оформления; обстоятельство, послужившее основанием для его оформления; фамилия, имя, отчество, дата и место рождения, профессия и место жительства жертвы притеснения и насилия и лица, притесняющего или совершившего насилие; перечень ограничений, предусмотренных соответствующей статьёй Закона «О защите женщин от притеснения и насилия».

Если в ходе рассмотрения вопроса о выдаче охрannого ордера выявляются признаки преступления, предусмотренного Уголовным кодексом Республики Узбекистан, одновременно с рассмотрением вопроса о выдаче охрannого ордера материалы дела направляются соответствующему правоохранительному органу для решения вопроса о привлечении к уголовной ответственности.

## Разыскиваются за совершение преступления



**Кадиров Фаррух Рабимович**, 1987 года рождения, уроженец Самаркандской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. 244<sup>2</sup>, ч. 1 УК Республики Узбекистан.

\*\*\*



**Каюмова Шахдат Бахтировна**, 1984 года рождения, уроженка Самаркандской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. 223, ч. 1 УК Республики Узбекистан.

\*\*\*



**Бозорова Мехри Облокуловна**, 1986 года рождения, уроженка Самаркандской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. 223, ч. 1, ст. 224<sup>2</sup>, ч. 1 и ст. 159, ч. 3 УК Республики Узбекистан.

\*\*\*



**Якубова Иzzат Файзуллоевна**, 1989 года рождения, уроженка Самаркандской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. 166, ч. 2 УК Республики Узбекистан.

\*\*\*



**Кодиров Мирсунат Сангиневич**, 1978 года рождения, уроженец Самаркандской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. 165, ч. 3 УК Республики Узбекистан.

\*\*\*



**Шамсиев Алаветдин Сайфиевич**, 1963 года рождения, уроженец Самаркандской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. 273, ч. 5 УК Республики Узбекистан.

\*\*\*



**Закиров Ботир Махмудович**, 1972 года рождения, уроженец Самаркандской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. 97, ч. 1 УК Республики Узбекистан.

Сведения, способствующие розыску, просим сообщить в ОВД Самаркандского района Самаркандской области, ближайшее отделение внутренних дел или по телефону: (8-366) 236-88-87, 236-88-89.

## Проблемы нужно решать

Жительница города Андижана Анна Б. в молодости совершила тяжкое преступление, за что была осуждена на длительный срок лишения свободы. Оказавшись на свободе, она сошлась с мужчиной, родила от него девочку. Сожитель попался на краже и был осужден. Анна вела асоциальный образ жизни, злоупотребляла алкоголем. Недавно ее дочери исполнилось 8 лет. В ходе проверки выяснилось, что в школе девочка не учится, так как не имеет свидетельства о рождении.

– С Анной проведена профилактическая работа, – рассказывает старший инспектор отделения по вопросам женщин УКД ОВД по г. Андижану капитан Барнохон Мирзаева. – Изучив ситуацию, мы трудоустроили ее в организацию по благоустройству города, добились выдачи дочери свидетельства о рождении. Сейчас девочка ходит в школу. Не все женщины могут самостоятельно найти выход из трудной жизненной ситуации. Наша задача – помочь им: восстановить утраченные документы, устроить на работу.

В 2019 году, благодаря целенаправленной профилактической работе, количество преступлений, совершенных жительницами областного центра, снизилось на 30 процентов. Уменьшилось число краж, фактов мошенничества, совершенных представительницами прекрасного пола.

Сотрудницы отделения по вопросам женщин посещают махаллы, образовательные учреждения, про-



водят профилактические беседы с теми, кто состоит на учете, с учащимися школ, лицеев.

Оказывается содействие в получении кредитов для организации небольших швейных мастерских, кондитерских цехов. Проводится

бесплатное медицинское обследование женщин, вернувшихся из мест заключения. Нуждающиеся в лечении получают направления в медицинские учреждения Андижанской области.

В начале сентября 2019 года в Узбекистане вступил в силу Закон «О защите женщин от притеснения и насилия», согласно которому жертва насилия может получить охранный ордер и финансовую, медицинскую и психологическую помощь.

Раньше домашнее насилие чаще рассматривалось как внутрисемейная проблема. Люди старались не выносить сор из избы. В большинстве случаев жертвы вынуждены были молчать, понимая, что могут навлечь на себя позор. Женщины, оказавшись под диктатом домашнего тирана, чаще всего не заявляют об этом: одни боятся остаться без финансовой поддержки, другие – за детей и свою жизнь. Женщина особо уязвима. Что в итоге? Вечный страх, депрессия, суицид...

**Борис КЛЕЙМАН,**  
корреспондент «На посту».

На снимке: старший инспектор отделения по вопросам женщин Управления координации деятельности органов внутренних дел по городу Андижану капитан Б. Мирзаева.

Фото автора.

Андижанская область.

# ОПАЛАРИНИ ЧУВ ТУШИРГАН СИНГИЛ

Шундай одамлар борки, бировни алдамаса, чув туширмаса кўнгли жойига тушмайди. Фирибгарликни ўзига касб қилиб олган бу тоифадагилар учун ўлжанинг кимлиги, қариндошлилиги, қандай аҳволдалигининг фарқи йўқ. Асосийси, така бўлсин, сут берсин.

Афсуски, сўнги пайтда бу жиноятни аксарият ҳолларда аёллар содир этишмоқда. Фириб бобида кўпларни ортда қолдириб, кўпчиликни чув туширган шундай шахслардан бири Термиз шаҳрида яшовчи А. Жумагул (исмлар ўзгартирилди)дир. Ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, ўзгаларни алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан уларнинг кўп миқдордаги мулкани қўлга киритган Жумагулнинг жиноят иши тафсилотлари билан танишганлар мўмай пул умидида ўз яқинларини ҳам аяб ўтирмаганини кўриб, ҳайратга тушади.

Жумагулнинг опаси Хафиза Россия Федерациясида ишларди. Бир куни опаси уйига юборётган пулида барака бўлмаётганини, уй сотиб олиш учун пул йиғолмаётганини айтиб қолди. Жумагул бундан ғаразли мақсадда йўлида фойдаланиб қолишга чоғланди. Пулларни ўзига юборишини, қайтиб келгунига қадар уй сотиб олишга етадиган пулни йиғиб туришини айтиб, унинг ишончига кирди. Синглисига ишонган опа 2008 йилнинг ноябрь ойидан 2013 йил февраль ойига қадар банк орқали беш минг АҚШ доллари жўнатди. 2011 йил февраль ойида келиб кетганида яна икки минг АҚШ долларини унга тутқазди.

Опа Россиядан бутунлай қайтиб келганидан сўнг синглисидан пулларни сўрайди. Жумагул эса диёнатни унутиб, омонатга хиёнат қилди. Опасига тик қараб, «Менда сизнинг бир сўм ҳам пулингиз йўқ, ҳеч қачон менга пул юбормаганиз, тухмат қилманг», деди...

Ўрганган кўнгли ўртанса қўймас, деганларидек, Жумагул яна пул топиш мақсадида жиний ҳаракатларини давом эттиради. Бу гал бошқа давлатда ишлаб юрган иккинчи опаси Дилбарни танлайди. Ишлаб топган пулларини ўзига юборишини, уларни ишончли сақлаб беришини ваъда қилади. Жигарим-ку, дея Дилбар синглисига чиппа-чин ишонди. Уч йил мобайнида банк орқали 11500 АҚШ доллари жўнатди. Жумагул пулларни ўзлаштириш учун бу гал бошқача режа тузди.

Бир куни Дилбарнинг ўғли Элмурод Жумагулни йўқлаб келади. Опаси жўнатган пуллардан 800000 сўм беришини айтди. У жияни сўраган пулни бериб, 100 АҚШ доллари ва 200000 сўм пул олганлиги ҳақида тилхат ёздириб олишни ҳам унутмади.

Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Элмурод ёзиб берган тилхатдаги «100» сони олдидан «8» сонини қўшиб ёзиб, гўёки, Элмурод онасига тегишли пулдан 8100 АҚШ доллари ва 200 минг сўм олганлиги тўғрисида сохта маълумот ясади. Бир ойдан кейин Элмурод билан учрашганда берган тилхатини йўқотиб қўйганлигини, шу сабабли қайтадан ёзиб беришини илтимос қилади. Холасидан ёмонликни кутмаган Элмурод соддалик билан 200 минг сўм ва 100 АҚШ доллари олганлиги тўғрисида тилхат ёзиб берди. Жумагул яна устомонлик қилди: ушбу тилхатдаги «200 минг» ёзуви олдидан «2» рақамини ва «100» сони олдидан «3» рақамини қўйиб, гўёки, Элмурод ундан онаси юборган пулдан 2 миллион 200 минг сўм ва 3100 АҚШ доллари олганлиги ҳақида сохта маълумотларни киритди.

Жумагул бу билан кифояланмади: жиний ҳаракатларини давом эттириб, Термиз шаҳрида яшовчи, «Заргарлик маркази»да тилла тақинчоқлар савдоси билан шуғулланувчи А. Зебони аврашга тушди. Бир-икки марта учрашиб, унинг ишончига кирганидан сўнг «Тўйга тақиб бориб келаман, турмуш ўртоғимга кўрсатаман» деб ундан 37 миллион сўмлик тилла тақинчоқларни олиб кетади. Лекин Жумагулдан дарак бўлавермади. Кейинчалик маълум бўлишича, Жумагул уни «ухлатган» бўлиб чиқди. У тилла тақинчоқларни аллақачон сотиб, ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган экан.



Фирибгарнинг тузоғига тушганлар фақат улар эмас. Термиз шаҳрида яшовчи Б. Мурод ҳам Жумагулнинг найрангларига тушганлардан бири эди. Кунларнинг бирида Жумагул Мурод ишлайдиган муассасага келади. Унинг саросимадалигини кўрган Мурод бир кўнглисизликни сезгандек бўлади. Улар анчадан буён яқин муносабатда бўлиб келишарди.

— Мурод ака, ишлар чаток, — деди Жумагул хавотир билан. — Уйимга борганимизни, бирга ичкарига кирганимизни қўшнилар кўришибди. Агар бу гап-сўзларни яқинларим эшитса...

— Шунчаки танишим, иш бўйича келгани, демадингми, — деди Мурод жаҳли чиқиб.

— Айтдим, лекин ораларингда бир нима бор, деб хол-жонига қўйишмаяпти, энди нима қиламиз? — Жумагул шундай дея қўлни мушт қилганча у ёқдан-бу ёққа юраётган Муродга маслаҳат солди. — Мурода ака, уларнинг овозини ўчириш учун бирор далил керак.

— Яна қанақа далил?

— Машина олмоқчи бўлиб юрганми ҳамма қўшнилар билишади. Шунга сиз «Матиз» автомашинаси олиб берадиган сотувчи бўлиб келган, хамир учидан 5 миллион сўм пул олган бўлиб кўринасиз. Нима дедингиз?

— Шу билан тинчийдими?

— Бу гапнинг ўзи бўлмайди, шунча пул олдим, деб тилхат ёзиб беринг, уларга кўрсатишим учун.

Муроднинг соддалиги ва ишонувчанлиги ўзига панд берди. «Матиз» русумли автомашина олиб бериши учун 5 миллион сўм пул олганлиги ҳақида икки нусхада тилхат ёзиб берди. Жумагул у ердан чиқиб, тўғри уйига келди. Шошилинч «операция»га киришди. Тилхатларнинг ҳар иккаласидаги охириги «0» рақами орқасидан яна бир «0» рақамини ёзиб, уни 50 миллион сўмга айлантирди.

Бу тилхатлар анча бошоғриқ бўлишини Мурод хаёлига ҳам келтирмаганди. Эртасига Жумагул яна унинг ёнида келиб, асл башарасини ошкор қилди: ё 50 миллион сўм пулни беришни, ё «Матиз» автомашинаси олиб беришини талаб қилади. Агар айтганига қўнмаса, тегишли жойга мурожаат этишини айтади.

Муроднинг боши қотди. Қозонга яқинлашиб, қорасини юқтирганини англагач, ички ишлар органларига мурожаат қилади. Жумагул яна келиб, товламачилик йўли билан пул талаб қилаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Суд барча тафсилотларни ўрганиб чиқиб, Жумагулга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Феруз АЛИБОВЕВ,  
капитан.  
Тўра РАҲМОНҚУЛОВ,  
журналист.  
Сурхондарё вилояти.

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани Алишер Навоий номидаги маҳаллада яшаган, 1999 йил 11 декабрда туғилган Бозоров Жаҳохир Тўрабоевич бедарак йўқолганлиги сабабли қидирилмоқда.

Унинг белгилари: бўйи 165–170 см., юзи овалсимон, соч ва қошлари қора, кенг пешонали.

Алоҳида белгилари: икки қошининг ўртасида ва ўнг қошининг четида тиртиқ изи бор.

Ж. Бозоровни кўрган ёки у ҳақда бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан (99) 509-40-54 телефон рақамига кўнгирак қилишларини ёки яқин атрофдаги ички ишлар органига хабар беришларини сўраймиз.

Сурхондарё вилояти Узун тумани Баҳористон маҳалласида яшовчи фуқаро Ж. Маҳмудова Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига мурожаат қилиб, 1976 йил 25 апрелда туғилган қизи Маҳмудова Ҳанифа Жумаевна 2011 йил Россия Федерациясига ишлаш учун кетиб қайтиб келмаганини, бедарак йўқолганини билдирган. Қизини топишда амалий ёрдам берилишини сўраган.

Унинг белгилари: бўйи 160–165 см., юзи узунчоқ, соч ва қошлари қора, кенг пешонали.

Алоҳида белгилари мавжуд эмас.

Ҳ. Маҳмудовани кўрган ёки у ҳақда бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан туман прокуратурасининг (76) 447-30-38 ёки ички ишлар бўлимининг (76) 447-56-10 телефон рақамларига кўнгирак қилишларини ёки яқин атрофдаги ички ишлар органига хабар беришларини сўраймиз.

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

# БАҲОРДА ЗҮРАЯДИГАН КАСАЛЛИКЛАР

Баҳор фаслида кўпгина сурункали касалликларнинг зўрайиши кузатилади. Хўш, бунинг сабаби нимада? Мутахассисларнинг айтишича, бунга куйидаги омиллар сабаб бўларкан:

- қишдан кейин организмнинг заифлашиши;
- мева ва сабзавотлар бу пайтга келиб барча витамин ва энергетик қийматини йўқотиши;
- атмосфера босимининг ўзгариши;
- қуёш радиациясининг кучайиши.


Шу боис бу даврда ҳар бир киши соғлиғига ўта эътиборли бўлиши лозим. Баҳорги илиқ кунлар бошланиши билан белгилари кучаядиган касалликларнинг олдини олиш ёки вақтида даволаш яхши самара беради ҳамда касаллик зўрайишининг олдини олади.

## ОШҚОЗОН ЯРАСИ

Асосан апрель ойида касалликнинг белгилари кузатила бошлайди. Касаллик зўрайгандаги белгилар: қорин оч пайтидаги оғриқ, кечаси бошланадиган оғриқ, кўнгил айнаши, оғиздан ёқимсиз ҳид келиши...

Меъда ёки ичак яраси зўрайишига йўл қўймаслик учун мавсум яқинлашиши билан олдини олиш тадбирларини кўриш даркор.

Меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси организмда *Helicobacter pylori* бактерияси сабаб келиб чиқади. Бу бактерия организмга зарар етказишидан олдин иммунитетни кучайтириш лозим.



### БУНИНГ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҚОИДАЛАРГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛИШ КЕРАК:

Меъда яраси касаллиги билан касалланган кишилар бир кунда 5-6 марта таомланиши. Таомномадан фақат юмшоқ овқатлар жой олиши лозим. Асосан қайнатилган ва димланган таомлар истеъмол қилиш, клетчаткаси кўп бўлган маҳсулотлар — мош, нўхат, ловия, кўзиқорин, ёнғоқ, кепакли нон, лимон, нордон олмалар, қаҳва, алкоголь ва газли ичимликлар, кефир, сут, тортлар, нордон ва пишмаган мевалар ҳамда қаттиқ гўштни эса таомномадан ўчирган маъқул. Парҳезга амал қилиш шарт.



## АСАБ ТИЗИМИ ХАСТАЛИКЛАРИ

Баҳорий ўзгаришлар сабаб руҳий сиқилиш ҳамда асабийлашиш ҳолатлари кўпайиши кузатилади. Агар атрофдагилар ва ўз ишингиздан қониқмаслик ҳиссини сезсангиз ҳамда кўнглингизни умидсизлик эгаллаб олса, унда апрель ойи бошларида кўпроқ тоза ҳавода сайр қилиш, уйкуга вақтлироқ ётиш, жисмоний машқларни бажариш тавсия этилади. Агар бу ҳам ёрдам бермаса, бир-икки ҳафтага таътилга чиқиб, ўзингизга дам беришингиз лозим. Касаллиқни даволагандан кўра, олдини олган маъқуллигини унутманг.



## АЛЛЕРГИЯ

Бу энг кўп тарқалган баҳорги касалликлардан биридир. Аллергияга мойиллик, асосан, ирсиятга боғлиқ бўлади. Бу касалликнинг баҳорда зўраймаслиги учун қуйидагиларга амал қилиш лозим:

- иложи борича эрталаб соат 11 га қадар кўчага чиқмаслик;
- қуёшли ёки шамолли кунда дераза ойналарига нам матолар осиб қўйиш.

## ШАМОЛЛАШ

Ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши, иммунитетнинг тушиб кетиши баҳорда юқумли ва бронхиал касалликларнинг ривожланишига шароит яратади. Бундан ташқари, баҳорда цистит, гайморит хуружлари кучаяди. Аммо тўғри овқатланиш, витаминлар ва вирусларга қарши дорилар юқумли касалликлар билан курашиш учун иммунитетни мустаҳкамлайди. Бундан ташқари, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинг, кўчадан келгач, қўлни обдан ювинг, хоналарни шамоллатинг.



## ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Апрель ойида хуснбузарлар нафақат балоғат ёшидагиларда, балки 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган хотин-қизларда ҳам тошиши мумкин. Хуснбузарлар мавсумий омиллар таъсирида тери ости ёғ безлари ўз функциясини бажара олмагани сабабли юзага келади. Бу мавсумда микроб, бактериялар фаоллашади. Агар организмнинг иммунитети меъёردа бўлса, бунинг хавфи йўқ. Лекин аксинча бўлса, терида майда тошмалар тошиши, шамоллаш, кўзда конъюнктивит бошланиши мумкин. Буларнинг олдини олиш учун витаминлар истеъмол қилиш шарт.



Тавсияларга амал қилишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши бошқарма тиббиёт бўлими госпиталь бошлиғи-шифокор, подполковник Икром Суяровга волидаи муҳтарамаси  
**ХОСИЯТ** онанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги подполковник Мансуржон Рихсиевга волидаи муҳтарамаси  
**МОХИНУР** аянинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши Арнасой тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, майор Анвар Примкуловга волидаи муҳтарамаси  
**ГУЛХАНОЙ** онанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши Пахтакор тумани ИИБ Тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири, капитан Жамшид Ураловга фарзанди  
**АЛИБЕКНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги подполковник Алижон Аҳмедовга волидаи муҳтарамаси  
**НИНА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши Пахтакор тумани ИИБ ВСХ сафдор-ходими, сафдор Зокиржон Тожибоевга падари бузруквори  
**ХҲЖАМУРОД** отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

## ЗДОРОВЬЕ

На дворе весна! Организм, как и природа, пробуждается. Хочется подставить лицо ласковому солнцу, пробежаться по утренней траве, полюбоваться цветущими деревьями. А для этого нужно хорошее самочувствие. Сегодня вы узнаете о том, как избавиться от судорог в ногах и восстановить ослабленное за зиму зрение.

## СУДОРОГИ В НОГАХ ПО НОЧАМ

Судорогой называют непроизвольное сокращение мышц, сопровождающееся острой болью, которая может продолжаться 3–5 минут, и чувством сильного напряжения, «окаменелости» мышц. Случаются спазмы в икрах, стопах, пальцах ног, иногда в руках. От этой проблемы никто не застрахован. По статистике, от судорог в ногах страдает более 75 % населения: и дети, и люди в самом расцвете сил, и пожилые.



## Причины возникновения

Сводить ноги может в связи с перенесенным стрессом, нервным напряжением, из-за обезвоживания организма, лишнего веса, различных заболеваний, приема мочегонных препаратов, при беременности, варикозной болезни... Точный диагноз сможет поставить только врач. К нему обязательно стоит обратиться, если судорога возникает часто на протяжении длительного периода.

Если судороги в ногах отмечаются у практически здоровых лиц и они носят временный характер, то их могут спровоцировать следующие факторы.

**Чрезмерная физическая активность.** Обычно мы ведем сидячий образ жизни, но вдруг отправились в поход и прошагали десять километров. В таком случае непривычные к большой нагрузке ноги могут отреагировать судорогами. А все потому, что нарушился привычный режим работы мышц. Они переутомились.

**Малоподвижный образ жизни** может способствовать некой атрофии мышц. Это если в целом, но бывают случаи, когда даже натренированные ходьбой ноги, проведя больше пяти часов в самолете в согнутом состоянии, могут «взбунтоваться» и громко заявить о себе» судорогами. Поэтому врачи рекомендуют во время длительных перелетов периодически вставать и ходить по салону, делать нехитрые упражнения.



**Неудобная обувь** нарушает кровообращение. Продолжительная ходьба в такой обуви крайне вредна для ног, может закончиться судорогами.

**Нехватка микроэлементов.** Пожалуй, самая распространенная причина возникновения судорог – нехватка в организме кальция и магния. По статистике, от дефицита магния в мире страдает почти столько же людей, сколько и от судорог (около 80 %). Из стандартного рациона питания невозможно получить необходимую для организма суточную норму этого микроэлемента (около 400 мг). Понять, что у тебя нехватка магния, несложно. Человек быстро устает, с трудом засыпает, ходит поникший, впадает в депрессию. В таких случаях нужно налегать на продукты,

содержащие магний: пшеничные отруби, семена подсолнечника и тыквы, орехи, сою, чечевицу; принимать магний в виде биодобавок или лекарств.

Соратником магния в борьбе с судорогами является кальций. А это значит, что вместе с дополнительной дозой магния мы должны получать удвоенное количество кальция в виде различных лекарственных препаратов. Обязательно нужно включить в рацион питания молоко, сыр, капусту, петрушку, сливки, йогурт, фасоль, творог. Есть и третий помощник – витамин D. Он необходим для усвоения кальция. Витамином D богаты рыбий жир, печень трески, сельдь, тунец, сыр, творог.

Подобрать витаминный комплекс, определиться с дозировкой препаратов поможет врач. Он даст направления на соответствующие анализы, которые точно покажут, недостаток какого конкретно элемента наблюдается.

## Почему ноги сводит именно ночью?

Во время сна замедляется кровообращение. Вследствие этого необходимые микроэлементы не поступают в конечности с кровотоком, что и вызывает мышечные спазмы. Также дает о себе знать накопившаяся за день мышечная усталость. Отдельные врачи считают, что судороги ночью появляются из-за неудобной позы во сне, ведь чаще всего человек засыпает уютно свернувшись.

## Первая помощь

Есть несколько способов экстренной терапии.

**Активный массаж.** Нужно осторожно растереть напряженную мышцу. Помогут поглаживания, похлопывания по ноге и потряхивания.

**Растягивание.** Мышцы растягиваются и спазм проходит. Надо встать на прохладный пол и попытаться выпрямиться. Из положения стоя поднять пальцы ног вверх. Будет больно и неприятно, но придется потерпеть. Еще один способ: встать, отвести больную ногу назад, поставить пальцами на пол и осторожно надавливать весом тела, чтобы расслабить икру.

Сидя на постели, руками надо потянуть пальцы стопы на себя. Одновременно нужно попытаться полностью разогнуть колено, чтобы мягкие ткани расслабились. Потом опять же желателен похлопывание по прохладной поверхности.

**Расслабление мышц.** После острого приступа подложить под ноги свернутое одеяло или подушки, чтобы конечности оказались выше уровня сердца и головы.

**Укол.** К экстренным вариантам можно отнести сильное пощипывание сокращенных мышц, укол булавкой или иголкой, даже укус. При таком действии активизируются нервные окончания рефлекторно переключаются на другой раздражитель, и мышца сразу расслабится.

**Тепло.** Поможет снять напряжение мышцы. Выпейте теплый чай или отвар успокаивающих трав.



## 7 продуктов для острого зрения

Все знают: для глаз полезна морковь – источник бета-каротина. Но не только! Чтобы зрение не подводило, включите в меню следующие продукты

## Тыква

Оранжевый цвет ее мякоти сигнализирует о большом количестве бета-каротина, который необходим для острого зрения. По его содержанию тыква уступает только моркови. Не забудьте добавить к тыквенному соку или салату ложечку сметаны, чтобы организм мог усвоить бета-каротин.

В состав тыквы также входят лютеин и зеаксантин, витамины С, группы В и цинк. Все они сохраняют свои свойства при термообработке.



## Черника

Содержит каротиноиды, лютеин и зеаксантин, которые улучшают четкость зрения, особенно в сумерках. В чернике много антоцианов, которые защищают сетчатку от дистрофии, а хрусталик – от катаракты.

## Шиповник

Чтобы сосуды были прочными, необходим витамин С. При его дефиците (особенно у курильщиков) происходят кровоизлияния сосудов (в том числе и в глазах), снижается острота зрения. Абсолютный лидер по содержанию витамина С – шиповник.



## Петрушка

В этой ароматной травке содержится витамин В<sup>12</sup>, необходимый для питания сетчатки глаза. К тому же петрушка помогает повысить остроту зрения и снять усталость после длительной работы за компьютером.

Особенно полезно пить сок петрушки в сочетании с морковным (в пропорции 1:3).

## Черный шоколад

Флавоноиды, которые в нем содержатся, укрепляют сосуды глаз и улучшают кровоток. Достаточно есть 1–2 плитки в день. Молочный шоколад подобными свойствами не обладает.

Обращайте внимание на этикетку: в качественном шоколаде должно быть 3 компонента: какао-масло, тертое какао и сахар, и никаких растительных жиров.

## Яйца

Желтки содержат серу, лютеин и аминокислоты, которые предупреждают развитие катаракты. Кстати, перепелиные яйца по сравнению с куриными богаче витаминами А и группы В. В них также больше меди и глицина, защищающих слизистую глаз от сухости.

Чтобы сохранить витамины, лучше варить яйца всмятку, а не вкрутую.

## Киви

Настоящая кладовая всех необходимых для организма микроэлементов! Чтобы ощутить зримый эффект, нужно есть каждый день не менее двух плодов. При этом если хорошенько промыть кожуру, то киви можно (и очень полезно!) есть вместе с ней.


Именно в кожуре содержится огромное количество витамина С, необходимого для укрепления сосудов, в том числе и глазного дна.

Подготовлено по материалам интернета.

Не забудьте проконсультироваться с врачом.



## ТАШКЕНТ ЗАЦВЕТАЕТ



Словно по чьему-то повелению,  
Сразу стало в городе светло –  
Это в каждый двор по привиденью  
Белому и легкому вошло.  
И дыханье их понятней слова,  
А подобье их обречено  
Среди неба жгуче-голубого  
На арычное ложиться дно...

Эти строки, изображающие ташкентскую весну – неожиданную, наполненную дыханием буйного цветения садов, волнующую чувства и сердца людей так, что становится невозможным передать свои переживания «всеобъясняющими» словами, принадлежат звезде Серебряного века, великой поэтессе Анне Андреевне Ахматовой.

В суровые военные годы Ахматова проживала в Ташкенте. Сюда она была эвакуирована из блокадного Ленинграда. «Здесь мы узнали простые и важные вещи...» Так она отзывалась о городе, наполнившем ее поэзию «добрым», «звездным» миром – миром Азии.

Ташкент подарил поэтессе совершенно новые звуки, краски, интонации, образы. В

ее стихах мы узнаем и раскаленную восточную ночь, и высокие, стройные тополя, знакомые всем нам с детства дворики, слышим шелест листьев и журчание арыка, бегущего вдоль дороги. В них поэтесса выразила чистое, романтическое, благодарное отношение к Ташкенту, его людям, ставшим для нее такими понятными и близкими. Через много лет, в 1959 году, в Москве, встретившись с давними ташкентскими друзьями, Ахматова скажет: «Теперь я знаю, что такое тоска по солнцу Туркестана. Мне иногда снится Ташкент...»

**Рафик ЕНИКЕЕВ.**

### СПОРТ

## ЗАПЛЫВ НА КОРОТКУЮ ДИСТАНЦИЮ

В Андижанском колледже олимпийского резерва состоялись состязания по плаванию среди сотрудников-тяжеловесов. В соревнованиях приняли участие 52 сотрудника подразделений. Цель – вовлечение в занятия физкультурой и спортом, повышение боевой и физической подготовки, снижение веса.



По итогам соревнований первое место занял инспектор профилактики Улугнурского РОВД лейтенант Абдорбек Имомов, вторым стал инспектор профилактики Булакбашинского РОВД лейтенант Достонбек Арзиев, третье место досталось старшему контролеру следственного изолятора № 3 сержанту Ойбеку Маткурбанову.

Самым активным участником соревнований признан начальник изолятора временного содержания Избасканского РОВД майор Хотамбек Режапов.

Победители и призеры награждены дипломами и памятными подарками.

**Икболжон МАНИЁЗОВ,**  
лейтенант.  
Фото автора.

Андижанская область.

## ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

(с 16 по 22 марта)

**Овен.** Беспокойств в эти дни у вас будет немало. Постарайтесь меньше переживать из-за пустяков, сосредоточившись на действительно важных вещах. Звезды не советуют молчать о своих чувствах. Эти дни – идеальное время для того, чтобы сказать близкому человеку: «Я тебя люблю!»



**Телец.** В семье могут возникнуть конфликты, и вы окажетесь между двух огней. Не занимайте ничью сторону, станьте миротворцем. Сейчас важно избегать стрессов: они могут подточить ваше здоровье. Выходные проведите с друзьями: например, можно поехать за город.



**Близнецы.** Начальство будет предъявлять к вам высокие требования, постарайтесь показать себя с выгодной стороны, и ваши старания оценят. Отдыхать сейчас лучше с семьей, которой не хватает вашего внимания. Творческих людей в эти дни посетит вдохновение, появятся новые идеи.



**Рак.** Сейчас повезет одиноким Ракам: шансы найти вторую половинку для них как никогда высоки. Главное – не отпугните ее своим напором! Родителям стоит быть внимательными по отношению к детям. В эти дни действуйте пряником, а не кнутом, чтобы «достучаться» до них.



**Лев.** Эта неделя окажется напряженной как на работе, так и дома, но вы справитесь! Для восстановления сил проведите выходные вдали от города. Тяжелой может оказаться финансовая ситуация в первой половине недели. Но во второй половине вы найдете новые источники дохода.



**Дева.** Не сидите дома, чаще бывайте в людных местах. Общение с противоположным полом – то, что вам нужно сейчас. Близкий друг в этот период может показать себя не с лучшей стороны. Сделайте шаг назад, чтобы во всем разобраться, но не прерывайте общение с ним окончательно.



**Весы.** Вам могут предложить выгодную работу, но прежде чем соглашаться, подумайте: готовы ли вы к этим переменам? Если да, действуйте! 22 марта может стать особенным днем для вас. Он заряжен на новые знакомства. Напряженными могут стать отношения со старшим поколением.



**Скорпион.** Иммунитет окажется слабым, поэтому начните его укреплять. Если все же заболеете, не переносите болезнь на ногах! Семейная лодка некоторых Скорпионов может дать трещину. Сделайте первый шаг, вторая половинка это оценит. Следите за своим питанием, не допускайте излишеств.



**Стрелец.** В этот период вас ждет рутинный монотонный труд. Но вскоре вы все-таки сможете отдохнуть. Звезды не советуют сейчас вступать в конфликты с руководством. Да и с коллегами лучше быть на короткой ноге: узнаете много нового.



**Козерог.** В одиночку лучше за серьезные проекты не браться. Отличный результат принесет коллективный труд, поэтому заручитесь поддержкой окружающих. К неудачам отнеситесь философски, этот опыт поможет не совершать ошибок. Есть вероятность обострения заболеваний.



**Водолей.** Неплохое время для самообразования и повышения квалификации. Идеальный день для начала обучения – 16 марта. Доход сейчас будет зависеть от вашего трудолюбия. Не будете лениться – сорвете куш. Но и отдыхать не забывайте! 22 марта проведите в приятной компании.



**Рыбы.** В финансовом плане вас ждет очень продуктивная неделя. Сможете вложить деньги так, чтобы они принесли доход. Используйте это время для налаживания связей, прежде всего рабочих. Не рекомендуется физический труд, занятия в спортзале тоже пока отложите.



Если у тебя получилось обмануть человека, это не значит, что он дурак, это значит, что тебе доверяли больше, чем ты этого заслуживаешь.

Народная мудрость.

## ХАЁТМА, МУҲАББАТ

Боғимдаги райхон бўлсанг ҳам,  
Узилган гул, пайхон бўлсанг ҳам,  
Кўнгли ярим, вайрон бўлсанг ҳам,  
Ташлаб кетма мени, муҳаббат.

Осмонга тенг даҳо бўлсам-да,  
Тубсиз жарлик, саҳро бўлсам-да,  
Гоҳо йиғлаб, гоҳо кулсам-да,  
Ташлаб кетма мени, муҳаббат.

Самоларга учайин узок,  
Айрилиқда чекай дард, фирок,  
Сен учун ҳам берайин сўроқ,  
Ташлаб кетма мени, муҳаббат.

Шерзод НОРМУРOTOV,  
Ўзбекистон Республикаси  
Миллий гвардияси Сурхондарё  
вилояти Қуриқлаш бошқармаси  
10-алоҳида отряд ходими, сафдор.



### БУ – ҚИЗИҚ!

## Энг, энг, энг...



▶ Ер юзидан энг тез югурувчи ҳайвон гепарддир. У соатига 100 километр тезлик билан чопа олади. Яъни, катта тезликда кетаётган автомобилга бемаъл ол олиши мумкин. Осмону фалакда энг тезкори эса сапсан лочинидир. У ўлжасига етишиш учун соатига 350 километр тезлик билан учишга қодир. Сув остидан энг катта тезлик соатига 70 километр масофани босиб ўтувчи тунец балиғига тегишли.

▶ Қанчалик ғалати бўлмасин, аммо митти ва меҳнатсевар чумоли дунёдаги энг кучли жонивор ҳисобланади. У ўзидан эллик баравар оғир тош ёки бошқа юкни кўтара олади. Мисол учун, фил ер юзидан ҳеч бир тирик жонзотнинг кучи етмайдиган юкларни кўтарса-да, аммо ўз вазнининг иккидан бир қисмига тенг юкни ҳатто ўрнидан ҳам силжита олмайди.

### ЎБРАТЛИ ҲИКМАТЛАР

## ХАЁТМИЙ САБОҚ

Бир куни қиз отасининг ёнига келиб деди:

– Дадажон, жуда чарчадим, ишимда ва шахсий ҳаётимда доимо муаммоларга учраяман, ортиқ кучим қолмади... Буларнинг барига қандай бас келай?

Ота жавоб қилди:

– Кел, сенга барини кўрсатганим маъқул.

У газ плитаси устига 3 та идишни қўйиб, ҳаммасида сув қайнатди. Бирга сабзи, иккинчисига тухум, бошқасига қаҳва солди. Бир неча дақиқадан сўнг у қиздан сўради:

– Хўш, уларда қандай ўзгариш юз берди?

– Сабзи ва тухум пишти, қаҳва эса эриб кетди, – жавоб қилди қиз.

– Тўғри, – деди ота, – аммо чуқурроқ назар ташласак, аввал қаттиқ қолдаги сабзи юмшоқ ва мулоим бўлиб пишти. Сувда

қайнатилишидан олдин нозик ва суюқ бўлган тухум эса қаттиқ қолга келди. Уларнинг ташқи кўриниши ўша ҳолича қолди, аммо ичи қайнаган сув таъсирида ўзгарди. Одамлар билан ҳам худди шундай – нозик одамлар салбий муҳитда қотиб, куч тўплаши, аслида кучли кўринганлар эса бўшашиб, заиф бўлиб қолиши мумкин...

– Қаҳва-чи? У нимани англалади? – ҳайрон бўлиб сўради қиз.

– О, қаҳва бу – энг қизиғи. У тамоман эриб кетди ва қайнаган сувни ажойиб хушбўй ичимликка айлантирди. Айрим одамлар ташқи муҳит таъсирида ўзгармайди, аксинча, муҳитни ўзгартириб, вазиятдан ўзлари учун фойда ва сабоқ олишади. Қийин дамларда мана шу уч нарсдан қай бири бўлиш – ҳар кимнинг ўз танлови.

Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.

### КҮРИК-ТАНЛОВ

## «АВТОМАЛИКА» АНИҚЛАНДИ

Тошкент вилояти ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида Халқаро хотин-қизлар байрами ўзгача тарзда нишонланди. Бошқармага вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан ҳайдовчи аёллар таклиф қилинди. Улар «Автомалика» кўрик-танловида иштирок этишди.

Тадбирда ёши, эгаллаган касбидан қатъи назар, ҳайдовчилик гувоҳномаси бор, жамият ҳаётида фаол бўлган аёллар қатнашди. Дастлабки босқичда иштирокчилар «Йўл ҳаракати қоидалари» бўйича ўз билимларини тест синовларида текшириб қўришди.

Сўнг танловнинг энг қизиқарли ва ҳаяжонли онлари бошланди. Ҳар бир ҳайдовчи мусобақа учун махсус тайёрланган ўқув автомобильда машинани бошқариш маҳоратини намойиш



эти. Ҳаяжон, севинч, ташвиш аломатлари акс этган гулгун чехралар навбатма-навбат транспортни бошқариб, кўрик-танлов шартларини бажаришди.

Кимдир ҳаяжондан моторни ўчириб қўйди. Бошқа бир иштирокчи шартли гаражга киришда шошилди. Аммо йўл қўйилган хатолардан ҳеч ким хафа бўлгани йўқ. Аксинча, бу хатолар улар учун сабоқ

бўлганлигини таъкидлашди. Ниҳоят қизгин руҳда ўтган мусобақалар якунига етди. Унда Қўрай туманидан келган иштирокчи Ш. Сайдазимова голиб деб топилди. Голиб ва совриндорларга вилоят ИИББ ЙХХБнинг ҳамда «Alskom» суғурта компанияси вилоят бўлимининг махсус совғалари топширилди.

Тадбир барча қатнашчиларга манзур бўлди. Улар

бу каби кўрик-танловларни тез-тез ўтказиб туриш зарур деган фикрни билдиришди. Уларнинг фикрига биз ҳам қўшиламиз. Чунки ҳаракатлиниш маданиятини юксалтиришда бундай мусобақаларнинг аҳамияти жуда катта.

Рустам АСҚАРОВ,  
Тошкент вилояти ИИББ  
ЙХХБ Ахборот хизмати  
раҳбари, катта лейтенант.

MUASSIS:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –

polkovnik  
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –

podpolkovnik Qobuljon SHOKIROV  
leytenant Aziza BAHODIROVA

Mas'ul kotiblar –

Erkin SATTOROV  
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –

Foziljon MAMASHARIPOV  
Dinara SHAMUXAMEDOVA

Sahifalovchilar –

Ithom JUMANOV  
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:

71-231-33-88;

Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari  
bo'yicha:

71-231-38-74;

95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355



9 772010 535001

Tahririyat

hisob raqami

2021000900447980001

MFO 00420.

ATIB

«Ipotekabank»

Mirobod

tuman bo'limi.

INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'l-yozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili:  
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Buyurtma №V-4106.

Bosilish – ofset usulida.

Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 57 518 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:

Yakka tartibda – 180.

Tashkilotlar uchun – 366.

Bosishga topshirish vaqti – 22.00.

Bosishga topshirildi – 21.00.

Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100070, Toshkent shahri,  
Shota Rustaveli 1-berk  
ko'chasi 9-uy.